В результате выявлено 966 нарушений миграционного законодательства, из них:

- 470 нарушений правил въезда, выезда и пребывания;
- 73 нарушения установленного порядка осуществления трудовой деятельности.

Итоги операции «Нелегал»

Кроме того, к административной ответственности за нарушение миграционного законодательства привлечен 201 гражданин Российской Федерации. Сумма наложенных штрафов составила 2 миллиона 420 тысяч рублей.

В суды края направлено 23 материала для принятия решения об административном выдворении иностранных граждан за пределы Российской Федерации.

В Гайнском районе около одного из поселков в лесопромышленном комплексе на пилораме сотрудниками отдела выявлено 15 иностранных граждан. Граждане Узбекистана занимались переработкой леса. Как выяснилось, 14 из них нелегально осуществляли трудовую деятельность на территории края. В отношении 7 иностранных граждан материалы направлены в районный суд для принятия решения о выдворении за пределы Российской Федерации. В отношении работодателя возбуждено расследование.

Полиция обнаружила около 50 нелегалов на рынке в подмосковной Балашихе

Сотрудники полиции выявили в подмосковной Балашихе 48 мигрантов, незаконно проживающих и работающих на одном из рынков.

Мигранты были найдены на 103 километре МКАД, где располагается рынок «Абрамцево». Граждане приехали из Таджикистана, Вьетнама и Китая.

Ранее сотрудники Управления федеральной миграционной службы по Московской области обнаружили 100 нелегальных мигрантов в складских помещениях в подмосковных Люберцах. Более 100 нелегальных мигрантов были обнаружены в ходе рейда в одном из цехов по пошиву одежды в Балашихе, автобус с 40 гражданами Узбекистана был задержан и в Воскресенском районе.

Также 19 сентября сотрудники ГУМВД в подмосковном Ногинске выявили более 60 нелегалов из Узбекистана и Таджикистана, которые шили поддельные вещи марок Adidas, Reebok и Nike в подпольных цехах, где и жили. Кроме того, еще 100 человек без документов были задержаны в швейном цеху поселка Томилино Люберецкого района.

В Якутии очередная группа иностранцев выдворена за пределы страны

Очередная группа иностранцев, в число которых входили граждане Кыргызстана, Таджикистана и Узбекистана, была административно выдворена судебными приставами за пределы РФ.

В ночь на 9 сентября из спецприемника «Якутское» пять иностранных граждан в сопровождении судебных приставов направились в аэропорт, откуда отбыли рейсом Якутск – Новосибирск. В Новосибирске они были переданы в ведение пограничников и отправлены на родину в принудительном порядке.

Основными нарушениями, по которым суд выносит решения об административном выдворении, являются отсутствие документов на право пребывания на территории Российской Федерации, уклонение от выезда по истечении срока пребывания, занятие трудовой деятельностью без оформления разрешения на работу.

С начала 2012 года за пределы Российской Федерации из Якутии выдворен 101 иностранный гражданин, из них из Якутска – 85 иностранцев.

Башкирский «Патент»

С целью исключения фактов незаконного привлечения и использования иностранной рабочей силы физическими лицами сотрудниками УФМС России по Республике Башкортостан было проведено целевое оперативно-профилактическое мероприятие под названием «Патент». В ходе мероприятия проверке подверглись 745 физических лиц, привлекающих иностранных граждан к трудовой деятельности, и 1777 иностранных работников. В результате проведенной операции было выявлено 690 правонарушений, из которых 137 – нарушения режима пребывания иностранных граждан на территории Российской Федерации и 131 – нарушения правил привлечения и использования иностранных работников. Выявлено 55 недействительных патентов.

Основным правонарушением традиционно является отсутствие регистрации, патентов.

За указанные правонарушения наложено административных штрафов на сумму 1278300 рублей, взыскано – 940950 рублей. В отношении 14 иностранных граждан судами городов и районов республики вынесены решения о выдворении за пределы Российской Федерации.

В процессе работы сотрудниками миграционной службы также разъяснялись правила привлечения иностранных граждан к трудовой деятельности и порядок продления сроков их пребывания на территории России при получении патентов.

Много трудишься и хочешь сохранить заработанные деньги?

Дорогой читатель!

Ты приехал в Санкт-Петербург, чтобы заработать денег для своей семьи. Для этого ты трудишься днем и ночью, порой бываешь несправедливо обижен, тебе не всегда платят деньги за проделанную работу. Но ты готов преодолеть все трудности, потому что дома ждут родные люди, которым нужна финансовая поддержка. Ты – их главная надежда и опора!

Когда ты получаешь свои кровно заработанные рубли, то сразу спешишь отправить их переводом домой. Ведь у тебя нет надежного места для хранения денег. Их могут украсть недобросовестные люди. А если носить с собой – есть риск их потерять. Что же делать?

Мы придумали, как решить эту проблему. **Специально для тебя работает Кредитный потребительский кооператив «Городской центр сбережений»**. Вступай в кооператив, вноси любую сумму (от 500 рублей) и копи деньги перед отправкой их домой. И неважно, гражданином какой страны ты являешься. Здесь будут рады тебе помочь.

У нас выгодный процент – 18% годовых. То есть, к той сумме, которую ты передаешь в кооператив, будет прибавляться 1,5% в месяц от нее. Это очень выгодно! Если ты приехал в Россию меньше, чем на год, то в рамках Доходной программы можешь оформить договор на срок от 3 месяцев. Тогда за это время ты получишь прибавку 4,5%. За 6 месяцев – 9%, за 9 месяцев – 13,5 % плюс к первоначальной сумме. Чем больше срок – тем больше доход.

Стань членом кооператива **«Городской центр сбережений». А мы поможем тебе преумножить заработанные деньги перед отправкой на Родину:** к твоим 100 рублям добавим свои 1,5 рубля за каждый месяц. А когда накопится приличная сумма, ты можешь в любой момент забрать столько, сколько тебе необходимо, и отправить домой, своим родным и близким. Если этой суммы будет мало, кооператив может выдать тебе займ. Кстати, если тебя не будет в городе или ты очень занят, то твой родственник может сделать это за тебя. Только не забудь выписать на него доверенность!

Итак, главный вопрос: как сохранить заработанные деньги в КПК «Городской центр сбережений»?

Очень просто. Приходи к нам в офис со своим паспортом, вступай в члены кооператива и вноси любую сумму от 500 рублей. Перед отъездом домой этот размер вырастет.

Процентная ставка – 18% годовых!

Звони по телефону: (812) 309-56-63

Или приходи по адресу: Санкт-Петербург, 10-я линия Васильевского острова, дом 15-б. Метро «Василеостровская».

Часы работы с 9:00 до 18:00 (понедельник-пятница). Кредитный потребительский кооператив «Городской центр сбережений».

Мы ждем тебя, дорогой читатель!

ГОРОДСКОЙ ЦЕНТР СБЕРЕЖЕНИЙ

Дни Европы – 2012

Когда стираются границы между странами, и люди становятся ближе друг к другу, Петербург распахивает «окно в Европу», открытое Петром I более 300 лет назад. В Санкт-Петербурге в 5-й раз прошел фестиваль «Дни Европы 2012». Прошел ярко и с размахом – среди разнообразных мероприятий, каждый мог найти что-то, что было бы интересно именно ему! Более 15 тысяч человек посетили фестиваль «Дни Европы».

В торжественном открытии фестиваля приняли участие глава Представительства Европейского Союза в России Фернандо Валенсуэла, генеральный консул Республики Кипр в Санкт-Петербурге Георгиос Самуил и представители администрации Санкт-Петербурга. После приветственных речей состоялся торжественный гала-концерт «Современная музыка Кипра». В исполнении оркестра Эрмитажного театра «Санкт-Петербург Камерата» под управлением Георгиоса Кунтуриса и участников хора «Lege Artis» прозвучала музыка современных композиторов Кипра: Андреаса Мустукиса, Алкинооса Иоаннидиса, Андреаса Камериса и Савваса Саввы – выпускников Санкт-Петербургской и Московской консерваторий.

В Петербурге в очередной раз прошёл фестиваль «Дни Европы»

В этом году одним из центральных событий фестиваля стал велопарад. Велосипеды уже давно перестали быть спортивными снарядами. Сейчас это средство передвижения, заменившее во многих европейских странах личные автомобили.

В этот день – Всемирный день без автомобиля – состоялся еще один европейский велозаезд в английском стиле. Его участники, поклонники твидовых костюмов, галстуков-бабочек и кепи, проехались по Петербургу на ретровелосипедах. Как рассказал один из участников: «Мне нравится сплав эстетики и духа 20-х годов. Там прекрасная культурная атмосфера уходящих ценностей XX века. Велосипед — единственная приятная цепочка, соединяющая три столетия. Люди на пробеге тоже очень позитивные и приятные».

В первом мероприятии «Дней Европы» – открытых дебатах «Быть гражданином» – приняло участие около 150 человек. В зале развернулась настоящая баталия: гости и спикеры – крупные европейские политики Ян Чарногурский и Ежи Бузек, а также российские эксперты – омбудсмен Александр Шишлов и градозащитник Юлия Минутина – обсуждали, как непросто быть гражданином и почему все-таки стоит избрать для себя именно такую позицию.

Традиционная Европейская ярмарка – это сердце фестиваля. Каждый смог очутиться в Стокгольме, Париже, Мадриде, Берлине или другой европейской столице, не уезжая из Санкт-Петербурга! Целый день на Европейской ярмарке работали представительства европейских стран, организовывая уроки языков, лекции и презентации, мастер-классы и многое другое. Организаторы и участники устроили множество разнообразных конкурсов с призами – так, одна девушка отправится отдыхать в Болгарию! В итоге кто-то уехал домой на копенгагенском городском велосипеде от генконсульства Дании, а кто-то – с мыслью о грядущем путешествии в солнечный Лутракис от генконсульства Греции.

Для маленьких посетителей на ярмарке работала Детская студия, где ребята проводили время, развлекаясь и узнавая новое о европейских странах. Дети и их родители, устав от походов по консульствам, отдыхали в Детской студии, организованной Генеральным консульством Великобритании. Правда, отдых там был более чем активный: малыши собирали на полу пазл-карту Европы, а дети постарше соревновались в спортивных состязаниях – темой студии в этом году стала Паралимпиада в Лондоне.

Во дворе Аничкова дворца работала гастрономическая аллея Café Europa, где гостям предлагали деликатесы европейской кухни по специальным фестивальным ценам. На целых восемь часов петербуржцы получили уникальную возможность побывать в Европе, не покидая родного города.

Ксения Сомова

Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии

Возникли трудности при адаптации в Санкт-Петербурге?

В Фонде работают профессиональные юристы из Средней Азии. Вас поймут, даже если вы не говорите на русском языке!

Приходите! И мы окажем вам бесплатное содействие в:

- оформлении всех необходимых документов для официального проживания в России
- легальном трудоустройстве
- получении медицинской помощи
- решении юридических проблем
- поиске жилья и достойной работы

Также к вашим услугам:

- занятия по русскому языку
- оказание финансовой помощи
- благотворительные акции
- культурные мероприятия
- образовательные семинары



Мы действуем согласно закону в ваших интересах!

Ждем вас по адресу: м. «Пролетарская», пр-т Обуховской обороны, дом 116, офис 24 (вход со двора, ориентируйтесь на вывеску «Кард Экспресс»)

Телефон: **(812) 309 73 06** Время работы: 10.00 - 18.00 (ПН-ПТ)

Цвет и музыка нации

Уважаемые читатели, в прошлом выпуске мы писали о двух конкурсах, которые состоятся в Санкт-Петербурге этой зимой. Сейчас мы дублируем часть информации, которой необходимо обладать, чтобы принять участие в этих праздниках дружбы народов!

Фестиваль «Цвет нации»

7 декабря в Доме молодежи Санкт-Петербурга по адресу: Новоизмайловский пр., 48 – пройдет городской межнациональный фестиваль «Цвет нации». В фестивале примут участие представители разных стран мира. Участники представят вниманию гостей предметы декоративно-прикладного творчества и художественного ремесла. Особенность фестиваля состоит в том, что все работы участников должны отражать национальный колорит своей страны, многогранность и богатство ее культуры.

Участникам необходимо продемонстрировать в работах художественный вкус, оригинальность, умелое сочетание традиций и новаторства и, конечно, самобытность национального колорита. В выставке декоративно-прикладного искусства могут быть представлены направления изобразительного искусства; работы с тканью, деревом и пластиком; произведения флористики; коллажи и многое другое.

Главным условием является возраст участников – до 30 лет. Победителей ждут дипломы и специальные призы.

Фестиваль «Музыка против ксенофобии»

В этот же день, 7 декабря, в Доме молодежи Санкт-Петербурга пройдет гала–концерт городского фестиваля «Музыка против ксенофобии». Это уникальный проект, помогающий объединить всех за одним делом и раскрыть грани различных культур. Проект нацелен на развитие толерантности и межкультурного взаимопонимания в молодежной среде. В фестивале примут участие молодые люди различных национальностей в возрасте от 15 до 30 лет. Фестиваль будет проходить в формате конкурса по направлениям: «Вокал» и «Хореография» – в двух номинациях: «Соло» и «Ансамбль».

Одним из партнеров фестиваля является организация «Мир культуры», предлагающая уникальный приз для победителя – сертификат на поездку в Испанию и выступления на разных сценах этой страны в рамках фестиваля «Каталонская Весна 2013 г.».

Билеты на финальный гала-концерт фестиваля «Музыка против ксенофобии» будут распространяться бесплатно в вузах города и в ГБУ «Дом молодежи».

Чтобы принять участие в фестивале и сразиться за поездку в солнечную Испанию, необходимо подать заявку и пройти отборочные туры. Отборочные туры пройдут 22, 23 и 24 октября в Доме молодежи Санкт-Петербурга. Подать заявку на участие в конкурсном отборе фестиваля и узнать подробности можно на сайте: http://vk.com/dommolodejy; e-mail: Patriot@gbudmspb.ru, dommol.spb@mail.ru, а также по тел./факсу: (812) 321-88-91, 321-88-78.

Участвуйте и побеждайте!

Центральный и Василеостровский районы организуют бесплатные курсы русского языка для трудовых мигрантов. После занятий выдается сертификат об окончании курсов. Занятия длятся 2 месяца. Учебники выдаются бесплатно.

Каждые вторник и четверг по адресам:

Василеостровский район: 7-я линия В.О., д.56 , (код ворот 777)

1 группа (не говорят по-русски, плохо говорят): 18:30-19:30;

2 группа (немного говорят по-русски): 19.30-21:00.

Центральный район: ул. Жуковского д. 59,

Время занятий с 18:45 до 21:00.

Приглашаем всех желающих!

За точность информации в рекламных объявлениях ответственность несет рекламодатель. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас

«Туран», первая практическая газета для выходцев из Средней Азии
Учредитель: Игорь Белоусов
Главный редактор: Махмут Маматмуминов
Выпускающий редактор: Дина Шакенова
Журналисты: Марина Мельник, Анна Демидова, Ксения Сомова, Антон Грушин
Дизайнер-верстальщик: Виктор Смирнов
Переводчик с русского на узбекский: Ильёр Таштемиров

Переводчик с русского на таджикский: Якуб Халимов
Адрес редакции и издателя: 192012, пр.Обуховской обороны, 120, литер 3, офис 419, Издательский дом «Сорока»
Ст. м. «Пролетарская»
Телефон: (812) 309-46-06, E-mail: info@turangazeta.ru
Тираж газеты: 15 000 экземпляров
Время подписания в печать: по графику – 04.10.2012, фактическое – 04.10.2012

Отпечатано в типографии ОАО «Первая Образцовая типография, филиал «Санкт-Петербургский газетный комплекс» 198216, Ленинский пр. 139.
Заказ № 989
Газета зарегистрирована в Управлении Федеральной службы по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций по СПб и ЛО, ПИ № ТУ 78-00840.
Газета распространяется бесплатно.

«Турон», Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий газета
Муассис: Белоусов И.Н.
Бош муҳаррир: Махмут Маматмўминов
Чоп этувчи муҳаррир: Дина Шакенова
Дизайнер-ҳарф терувчи: Виктор Смирнов
Рус тилидан ўзбек тилига таржимон: Элёр Тоштемиров

Рус тилидан тожик тилига таржимон: Якуб Халимов
Таҳририят манзили: 192012, 192012, пр. Обуховской обороны, 120, литер 3, офис 419, Издательский дом «Сорока»,
«Пролетарская» метро бекати.
Телефон: (812) 309-46-06, E-mail: info@turangazeta.ru
Газета тиражи: 15 000 нусхада.

ОАО «Первая Образцовая типография, филиал «Санкт-Петербургский газетный комплекс» типографиясида босилди. 198216, Ленинский пр. 139.
Заказ № 989. Газета зарегистрирована в Управлении Федеральной службы по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций по СПб и ЛО, ПИ № ТУ 78-00840. Газета бепул тарқатилади.
Время подписания в печать: по графику – 04.10.2012, фактическое – 04.10.2012

ЎРТА ОСИЁЛИКЛАР УЧУН БИРИНЧИ АМАЛИЙ ГАЗЕТА

Турон

№ 38 (68)
4 –11 октября 2012 йил

Бобур бобонг мусофирликда қурди салтанат,
Навоий адибинг мусофирликда қилди ижод,
Жалолиддин мусофирликда қилди ватаним деб жиҳод,
Сен Турон ўғлони ўзлигингни сақлагил фақат.

Ҳамюртларга ёрдам

Расмий танишув

Санкт-Петербургда 2012 йилнинг август ойида Ўрта Осиёлик меҳнат мухожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди расмий равишда ўз фаолиятини бошлади. Ўша вақтдан буён, биз сиз азиз муштарийларни Фонд фаолияти билан таништириб бормоқдамиз. Қисқа қилиб айтганда, ҳисобот бермоқдамиз: Фондга қандай масалалар билан мурожат этса бўлади, Фонд бу муаммоларни қай йўллар билан ҳал этмоқда, қайси мухожирлар ёрдам олишга муваффақ бўлдилар ва ҳоказо. Бундан ташқари, Фонд мутахассисларининг фойдали маслаҳатлари ва изоҳларини эътиборларингизга ҳавола этиб бормоқдамиз. Булардан кўзлаган мақсадимиз, Фонд фаолияти билан сизларни яқинроқ таништириш ва ўз ҳамюртларига қандай ёрдамларни бераётганликлари ва бериш мумкинлигини сизларга маълум қилишдан иборатдир.

Махмут Маматмўминов Фон фаолияти тўғрисида маълумотлар берди

Ўтган ҳафтада Санкт-Петербург Миллалар уйида Фондни очилиш маросимига ва муваффақиятли фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Матбуот анжуманида ҳукумат идоралари вакиллари, журналистлар, ижтимоий ва давлат арбоблари иштирок этдилар. Тадбир мобайнида Фонд вакиллари, ўз олдига қўйган мақсадлари ва вазифалари билан, ҳамда ўтган икки ой мобайнида эришилган ютуқлар билан иштирокчиларни таништириб ўтдилар.

Биринчи бўлиб, Ўрта Осиёлик меҳнат мухожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди раиси Махмут Маматмўминов сўзга чиқди. Бу инсон, кўпчиликка маълумки, бизнинг газетамиз ҳам бош муҳаррири ҳисобланади. Махмут Убайдуллаевич Санкт-Петербургда меҳнат мухожирлари қандай қилиб тезроқ мослашишлари тўғрисида, ҳамда нима сабабда бу масалада кўп муаммолар пайдо бўлиши ҳақида сўз юритди.

«Россияда мухожирлар малакалаштирилмаган меҳнат билан шуғулланадилар: ҳовли супурадилар, уй қурадилар, хоналарни таъминлайди, баъзилари эса сотувчи, юк ташувчи, қадоқловчи сифатида фаолият юритадилар. Шу билан биргаликда, уларни янги жойга, нотаниш шароитга мослашишларида бир қанча муаммолар пайдо бўлади. Мухожирларнинг аксарият қисми Ўрта Осиёлик, бошқа маданият давлатларидан келишган. Бу ерда нафақат тилни билиш ёки билмасликка, балки турмуш тарзи, анъаналар, қонун ва қоидалар, ўзини тутиш тартибига ҳам катта боғлиқ. Масалан, Россия қонунлари бўйича мухожирлар келганларидан сўнг маълум муддат ичида рўйхатга туриб, ишлаш рухсатномасини олишлари шарт, ана шундан кейингина расмий равишда ишлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўрта Осиёда кўпинча бошқачароқ кўриниш. У ерда инсонларни «чин сўзига», виждонийлигига ишонадилар, одамлар бирор бир ишни шахсий топшириқ ёки илтимос асосида бажаришади, аксарият ҳолларда ёзма шартнома тузмайдилар. Бу албатта, ўша минтақани ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади, шу боисдан ҳам Россия келаётганда мухожирлар, бундай қонун қоидалар мавжуд эканлигини, ҳужжатларни қаерда қандай расмийлаштириш лозимлигидан бехабарлар. Ватанда эса бу ҳолатлар тушунтирилгани йўқ. Шу боисдан ҳам, мухожирлар ўзлари ҳоҳлаган тақдирда ҳам, баъзи ҳолатларда қонунийлаша олмайдилар. Ва фақатгина, қачонки миграцион хизмати ходимлари қўлга олганларида, шунча вақт ноқонуний мухожир сифатида ишлаб, яшаб келганларини тушуниб етадилар. Табиийки, бу ҳолат маҳаллий аҳолининг ҳам салбий муносабатини келтириб чиқармоқда», – деб таъкилаб ўтди Маматмўминов.

Бу муаммоларга дуч келмаслик учун, Фонд раҳбарининг сўзларига кўра, «бегона юртга боришдан аввал, ана шу юртнинг маҳаллий қонун ва қоидалари яхшилаб ўрганиш лозим, келгандан сўнг уларга риоя этиши керак. Шуни ёдда тутиш керакки, бу ерда биз меҳмонмиз, мезбон эмас, мезбонга юқори ҳурмат кўрсатиш одобдан ҳисобланади». Махмут Убайдуллаевич бу ғояни ҳар бир ҳамюртига етказишга ҳамиша ҳаракат қилади.

Энг муҳими шуки, Фонд ўз ҳамюртларига фақатгина қуруқ сўз билангина эмас, балки иш билан ёрдам бериб келмоқда. Чунки меҳнат мухожирлари ҳар қандай ҳолатда Фонд офисига ташриф буюриб, керакли ёрдамни олишлари мумкин. Энг муҳими ҳаммаси бепул. Бундан ташқари, Фонд ноқонуний мухожирлик оқимини пасайтириш бўйича тегишли қўлланмалар яратмоқда, таклифлар киритмоқда, меҳнат мухожирларини заиф қатламларига моддий ёрдам кўрсатмоқда. Мухожирларга қандай қилиб ва қаерда қонуний равишда ҳужжатларни расмийлаштириш мумкинлиги, қаердан тиббий хизмат олиш мумкинлиги, қаердан ишончли иш топиш мумкинлиги тўғрисида тавсиялар бермоқда.

Анжуман иштирокчилари

Матбуот анжуманида кейинги сўз навбати Ўрта Осиёлик меҳнат мухожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди бошқариш раиси Игорь Белоусовга берилди. Игорь Николаевич ҳам «Турон» газетасининг муассиси ҳисобланади.

«Менга жуда кўп савол беришади: нимага мен-россиялик тадбиркор-мухожирлик масалалари билан шуғулланаман, – деб ўз сўзини бошлади Белоусов. –Нимага мен ўз пулларимни ҳамюртларим бўлмаган мухожирларга сарфлаяпман? Бунга оддий қилиб жавоб беришим мумкин. Мен ўз шаҳримни севаман. Қачонки менинг шаҳримга меҳмон келса, улар бу ерда ўзларини тўғри тутишлари керак. Улар бу ерни маҳаллий анъаналари, қонун ва қоидаларини, урф-одатларини ҳурмат қилишлари керак. Афсуски, собиқ совет иттифоқи парчаланиб кетганидан сўнг 20 йил давомида Ўрта Осиёликлар рус тилини эсдан чиқара бошладилар.

Ўрта Осиёлик меҳнат мухожирларига ёрдам кўратиш Фонди бошқариш кенгаши Раиси ва "Турон" газетаси муассиси Игорь Белоусов

Шу боисдан ҳам мухожир Россияга келганидан сўнг, маҳаллий аҳоли билан бемалол мулоқот қила олмайди. Халқларимизни кўплаб маданий алоқалари ва қардошлиги узилди.

Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти бўйича ФМХБ бошлиғи ёрдамчиси Виталий Ильченко

Шу боисдан ҳам, бу минтақадан одамлар Россияга ўзлари учун бегона бўлган юртга келишмоқда. Ягона мақсадда-пул ишлаш мақсадида. Шахсан мен кўчада юриб, мухожирлардан қўрқишни истамайман, сабаби мухожирлар оддий маҳаллий қонун ва қоидаларни билмасликлари оқибатида ҳуқуқбузарликлар содир этиши мумкин. Шу боисдан ҳам улар бу ерда ўзларини жамиятдан четлаштирилгандек, ёрдамсиз ҳис қилмоқдалар. Мен ўзимни севимли шаҳрим меҳмонларига бу рус жамоада қандай қилиб, ўзларини тўғри тутишларини ўргатиш, бу ерни қонун ва қоидалари билан таништириб ўтмоқчиман. Мен уларни Шимолий пойтахтнинг муносиб яшовчисига айланишига ҳаракат қиляпман. Ана шундагина маҳаллий петербургликларни мухожирларга нисбатан салбий муносабатини бартараф этиш мумкин. Мана нима учун мен, бу масалага катта эътибор қаратяпман. Қабул қилаётган жамиятни вакили сифатида мен, ўз меҳмонларимни ижтимоий мослашишларида қатнашишни ўз бурчим деб биламан», – деб таъкидлаб ўтди Игорь Белоусов.

Иштирокчилар Игорь Белоусов нутқини диққат билан тинглашмоқда

Мухожирлар Фонди фаолияти тўғрисидаги маълумотлар аксарият иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти ФМХБ бошлиғи ўринбосари Виталий Ильченко алоҳида таъкидлаб ўтишича, Шимолий пойтахтда мухожирларни мослашуви ва қонуний ишга жойлашиш бўйича ишлар муҳим аҳамият касб этади. «Энг муҳими. Ўрта Осиёлик мухожирлар шаҳарга келганларидан сўнг рўйхат ва ишлаш рухсатномасини расмийлаштиришлари лозим. Агарда мухожир маҳаллий қонунларга риоя этаётган бўлса, унда унинг Санкт-Петербургга келиши хавфсиз ва самарали бўлади», – деб айтиб ўтди мансабдор шахс.

Виталий Ильченко мухожирлар Фондини ФМХБ га ҳамкорлик масалаларини мухокама қилишга таклиф этишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Миллатлар Уйи раҳбари Алла Дыдымова мухожирларни рус тилига ўргатиш масаласини кўтариб чиқди. «Агарда мухожир рус тилини билмаса, уни маҳаллий аҳоли вакиллари билан мулоқот қилиши мушкул бўлади. Тилни билмаслик петербургликлар билан тушунмовчиликларга ва кўнгилсиз ҳолатларга олиб келмоқда. Ҳаттоки, оддий маиший масалаларни ҳам ечиб бўлмайди», – деб таъкидлаб ўтди Дыдымова. У мухожирлар учун рус тилини ўрганиш бепул курсларини ташкил қилишни, ва бу курсларни ўтказиш учун адабиётлар йиғишни бошлаш кераклигини таклиф қилди. Бунинг учун Миллатлар уйи махсус синф хонаси беришга тайёр эканлигини маълум қилди. Бундан ташқари бу курсларда рус тили ва Россияда ўзини тутиш одоб-ахлоқи бўйича машғулотлар ўтказадиган мутахассисларни жалб этиш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Буларнинг барчаси мухожирларни Санкт-Петербургда жамоага мослашишларида муҳим аҳамият касб этади. Алла Дыдымова сўзларини Ўзбекистон ватандошлари «Умид» минтақавий жамияти Президенти Алижон Хайдаров ҳамда «Златоуст» ўқув-нашриёт маркази мутахассиси Анна Любивая қўллаб қувватлади. Бундай курсларга ҳоҳлаган киши келиб қатнашишлари мумкин. Газетамизнинг яқин сонларида биз бу курслар тўғрисида сизларга батафсил маълумотлар тақдим этамиз.

Шундай қилиб, Миллатлар уйида мухожирлик мавзусига бағишланган мухокама қизиқарли ва мазмунли ўтди. Иштирокчилар ўзаро фикр алмашиб, келажакда ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга оширишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Марина Мельник

Расмий баёнот

Кичик бизнес тараққиётининг замонавий усуллари

XX асрда иқтисодиётда жуда кўплаб йирик-йирик саноат корхоналари пайдо бўлиб, ўз фаолиятини бошлаган эди, ушбу корхоналар атрофида шаҳарлар қурилар, траспорт ва ижтимоий инфраструктуралар яратила бошланган эди. Бу йирик корхоналар жуда катта партияларда маҳсулотлар ишлаб чиқарар эди, бу ташкилотлар минглаб мутахасисилар фаолият юритишарди. Бироқ замонавий иқтисодий вазиятлар шуни кўрсатдики, катта партияларга эътибор бериш, анчагина самарасиз қувватга эга эканлигини, керакли вақтда бозор талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, бошқа йўналишга ўзгартириш деарли мумкин эмаслигини исботлади. 90-чи йилларда собиқ иттифоқ давлатларидаги деарли барча йирик заводларни таназзулга юз тутиши, янги аср янги иқтисодий тараққиётга бошқача ёндошув зарурлигини тасдиқлади. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка эътибор бериш, юза келган мушкул вазиятдан олиб чиқди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бир неча ўн йил ичида замонавий иқтисодий тизимнинг асосий таянчига айланиб улгурди.

Саъй-ҳаракатларни бирлаштириш

Экспертларнинг таъкидлашларича, дунё иқтисодиёти турли инқирозлар таъсирида тебранишларга дуч келаётган бир вақтда, ҳукумат, халқаро молиявий институтлар, йирик инвесторлар ва сармоядорлар, турли бизнес-тузилмалар вакиллари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва алоқа ўрнатиш муҳим аҳамиятга моликдир. Фақатгина биргаликдаги ва ҳамкорликдаги саъй ҳаракатлар билангина, дунё бозорида тез-тез кузатилаётган бундай мушкул вазиятлардан ва беқарорликдан чиқиб кетиш мумкин. Ўсиш учун заҳира, айниқса, жуда тез ривожланаётган Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар учун, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига йўналтирилган, чунки бу соҳалар қисқа давр ичида максимал даражадаги натижаларни бериш имкониятига эга. Шу боисдан ҳам, сентябрь ойининг уч кунида Ўзбекистон пойтахтига, дунёнинг турли бурчакларидан экспертлар, мансабдор шахслар, бизнесменлар ва бошқа мутахасислар ташриф буюришиб, ўз тажрибаларини алмашдилар, шунингдек «кичик иқтисодиёт» тараққиётининг янги усулларини билан танишишга муваффақ бўлдилар.

Дунёнинг ўнлаб давлатларидан ташриф буюрган икки юздан ортиқ ижтимойи ва давлат арбоблари, олим ва экспертлар, халқаро нуфузли молиявий ташкилотлар вакиллари – Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрни ва аҳамияти» мавзуси остида ўтказилган халқаро анжуманда иштирок этдилар. Анжуманни биринчи куни мобайнида иштирокчилар Самарқанд ва Бухоро шаҳрига ташриф буюрдилар. Бу ерда улар бугунги кунда давлатнинг кичик бизнеси қандай шароитларда фаолият юритаётганлигига шахсан гувоҳ бўлдилар, шунингдек, ушбу соҳа учун керакли мутахассисларни тайёрлашда асосий базаси ҳисобланувчи касб-ҳунар коллежларига ташриф буюрдилар. Албатта, бир неча соатлик ташриф давомида хулоса чиқариш мушкул, лекин экспертларнинг маълум қилишларича, айни вақтда Ўзбекистон тадбиркорларида барча қонуний кафолатлар мавжуд, шунингдек бизнесни муваффақиятли олиб бориш учун ҳар-хил имтиёзлар ва кредит қўллаб-қувватланиш йўлга қўйилган. Энг муҳими, уларнинг сўзларига кўра, мамлакатда кичик бизнес соҳаларини ва хусусий тадбиркорликни келажакда ривожлантиришга йўналтирилган аниқ белгилаб олинган давлат сиёсати мавжуд.

Буларнинг барчасига, анжуман иштирокчилари шахсан гувоҳ бўлишиб, Тошкентдаги тадбирнинг якуний босқичида ўтказилган мунозараларнинг асосий мавзуси бўлди. Секция мажлисларида кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорлини ривожлантириш ва шакллантиришнинг асосий шарт-шароитлари ва омиллари, тадбиркорли фаолиятини эркинлигини ҳуқуқий кафолатлари ва хусусий эгалик ҳуқуқини ҳимояланиши каби муҳим масалалар, шунингдек, экспорт салоҳиятини кенгайтиришда ушбу соҳадаги субъектларни ва халқаро ҳамкорликни ўрни, аҳоли даромадини ва бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида хусусий секторларни ривожлантириш ва шу каби бошқа масалалар мухокама этилди.

Иштирокчи олдида саломлашув нутқи билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов чиқиш уюштирди, шунингдек, дунёнинг тан олинган машҳур эксперти, Бутунжахон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки вице-президентлари- Жанамитра Деван, Шиао Джао ва Бирама Сидибелар сўзга чиқдилар. Бундан ташқари, Европа ва МДҲ бўйича ПРООН минтақавий бюроси директори ўринбосари Хаолянь Шу, Иқтисодиқ тадқиқотлар Хитой маркази раҳбари Джастин Лин, Берлин халқаро иқтисодиёт Академияси директори Ханс Йоахим Кнаупе ва бошқа шу каби шахслар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шундай, нуфузли обрў-эътиборга эга бўлган экспертлар гуруҳи бугунги кунда иқтисодиёт ривожланишида кичик бизнес қандай юксак ўрин тутаётганлиги, Ўзбекистон эса минтақада юқори кўрсаткичларни қайд этаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Анжуман якунида ҳужжат имзоланиб, бу ҳужжатларда Ўзбекистонда ва шу билан биргаликда минтақа тараққиёти бўйича экспертларнинг асосий тавсиялари баён этиб ўтилган.

Тузилмаларни ташкил қилувчи масалалар

Ўзбекистонда сўнги йигирма йил ичида «кичик иқтисодиёт» ни ривожлантириш бўйича кенг кўламли аҳамиятли ишлар амалга оширилди. Натижаларни 2000 йил билан солиштирсак, ички ялпи маҳсулотда кичик бизнеснинг ҳиссаси 31 да 54 % га ўсганлигини кўришимиз мумкин, шунингдек, бу соҳада бандларнинг сони бу давр ичида икки бараварга ошган, унинг ҳиссасига иқтисодиёт соҳасида бандларнинг 75,1% тўғри келмоқда. Бугунги кунда нодавлат секторларда 82,5% ИЯМ, 91 % саноат маҳсулотлари ва деарли барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари яратилмоқда.

Ўтган йил мамлакатда кичик бизнесни ривожлантириш шиори остида ўтди. Бундан икки йил олдин, яъни 2010 йилда давлат раҳбари мамлакатда демократик ислоҳотларни келажакда чуқурлаштириб бориш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепциясини олға сурган эди, бу эса кичик бизнес сҳасини ривожлантиришнинг асосий таянчларидан бирига айланиб қолди, бу асосида бизнесга қўшимча имтиёзлар тақдим этилди ва турли солиқлар миқдори сезиларли камайтирилди. Бундан ташқари, кичик бизнес хиссасини келажакда кенгайтиришни, биринчи навбатда мамлакат иқтисодиётида хусусий тадбиркорликни ривожланишини таъминлаб берувчи бир қанча қонунлар лойиҳаларини қабул қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу ишнинг мантиқий давомчиси бўлиб, 2011 йилни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши бўлди. Қўйилган вазифаларни самарали ечиш мақсадида, ҳукумат экспертлар жамоалари билан ҳамкорликда махсус давлат дастурлари ишлаб чиқдилар, бу дастурлар бир йилга эмас, балки узоқ муддатли истиқболли тараққиётга йўналтирилгандир.

Бугунги кунда мамлкатда ушбу концепция доирасида максимал даражада қулай бизнес-муҳит яратиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Бу соҳада сўнги мисоллардан бири – бу жорий йилнинг июль ойида қабул қилинган, асос бўла оладиган икки муҳим ҳужжатни олсак бўлади. Бу ҳужжатларда яқин келажакда давлат идоралари ва бизнес вакиллари ўз фаолияти мобайнида ҳамкорликда иш олиб боришлари, самарадорликни ошириш муҳим йўналиш этиб белгиланган, бундан ташқари, фаол ва уддабурон кишилар учун шароитлар яратиб берилиши назарда тутилган. Энг аввало, конференцияда таъкидланиб ўтилганидек, бу ҳужжатлар фаолиятни соддалаштириш, шунингдек белгилаб берувчи жараёнларни қисқартириш ва арзонлаштириш бўйича ишларни фаоллаштириш, ҳамда давлат, назорат қилувчи идоралар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро алоқаларни электрон шаклларини жорий этиш масалалари кўрсатиб ўтилган.

Умуман олганда, олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида рақамлар аниқ маълумот беради. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикада 22,8 минг кичик бизнеснинг янги субъектлари рўйхатдан ўтган, шунингдек 524 та кичик бизнес ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилган, шу жумладан енгил – 112 та, озиқ-овқат саноати-190 та, қурилиш материаллари саноати-147 та, ёғоч қайта ишлаш соҳасида-19 та объект фаолияти йўлга қўйилган. Кичик бизнес корхоналари экспортга 954,3 млн АҚШ долларига тенг бўлган маҳсулотларни жўнатганлар.

«Кичиклар» учун катта имкониятлар

Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда кичик бизнес дунёнинг кўплаб давлатлари иқтисодиётини бошловчиси ва асосий таянчи ҳисобланади. Бу соҳа субъектлари, агарда сарфланган маблағлар ва олинган даромадлар солиштирилганда, бошқа йирик корхоналарга нисбатан, анчагина кўп даромад олаётганликларини кўришимиз мумкин. Иқтисодиёт тизимини барқарорлигида ва самарадорлигида кичик бизнеснинг ўрнини англаган ҳолда, кўплаб давлатлар ҳукуматлари махсус идоралар ташкил қилмоқда, бу идоралар кичик бизнесни қўллаб қувватлашга йўналтирилган бўлиб, уларга бу йўналишда кенг ваколатлар ва имкониятлар тақдим этиб берилмоқда.

Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам «кичик иқтисодиётни» фаолиятига ва бу соҳани қўллаб қувватлашга жавоб берувчи бир қанча идора ва тузилмалар фаолияти йўлга қўйилди. Масалан, мамлакатда кичик бизнес маҳсулотларини давлат ташқарисига экспорт қилиш бўйича «Ўзтадбиркорэкспорт» махсус ташқисавдо компанияси яратилди. Бу компания ваколатхоналари мамлакатнинг турли минтақаларида ҳам очилди. Бу идоранинг зиммасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўзларини маҳсулотларини тўғридан-тўғри экспорт қилиш алоқалар бўйича, шунингдек хорижда яратилаётган савдо уйлари орқали экспорт қилишга ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатилган.

Компания фаолиятининг яна бир йўналишларидан бирига- бу кичик бизнес корхоналарини экспорт маҳсулотларини сертификатлаш, реклама тадбирларини амалга ошириш, халқаро ярмарка ва кўргазмалардаги иштирокини ташкиллаштириш вазифалари киради. Бундан ташқари, хориж давлатларида мамлакат кичик бизнес субъетларини жалб этган ҳолда, мунтазам равишда миллий ярмарка-кўргазмалар ўтказиб бориш бўйича махсус механизм ишлаб чиқилди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда катта ролни, шунингдек, давлатни Савдо-саноат палатаси ҳам ўйнамоқда. Бу идора мутахассислари мунтазам равишда минтақаларда тадбиркорлик субъектлари орасида сўровларни амалга ошириб келмоқдалар. Сўровлар мобайнида мамлакатда бизнес учун яратиб берилаётган шароитлар, рухсат бериш жараёнларини амалга оширилиш жараёнлари, мавжуд муамолар, шунингдек, кредит-сармоя ресурсларига эркинлик масалаларига ойдинлик киритилмоқда. Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида, палата вакиллари тегишли назорат идоралари томонидан хўжалик субъектларини текширув жараёнларида иштирок этиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасини Россиядаги Элчихонаси Матбуот хизмати

ФГУП «Паспорт-виза хизмати»

Санкт-Петербургда қандай қилиб иш топса бўлади

Санкт-Петербургда ва Ленинград вилоятларида адолатли иш берувчилардан иш топишни ҳоҳлаган чет эл фуқаролари қуйидаги манзилда жойлашган ФГУП "Паспорт-виза хизмати" га мурожаат этишлари мумкин: Красный Текстильщик кўчаси, 15 уй.

Россия Федерал Миграцион хизматининг давлат муассасаси ходимлари сизларга "Меҳнат Биржаси" да рўйхатдан ўтишингизга, арзон нархларда турар жой топишга, миграцион ҳисобга туришингизга, ишга рухсатнома олишингизга ёрдам беради.

Агарда чет эл фуқароларидан саволлар ва муаммолар

«Меҳнат Биржаси» ни хизматларидан қандай фойдаланса бўлади

Чет эл фуқаролари "Меҳнат Биржаси" нинг маълумотлар базасида қайд этилади ва 1 йил мобайнида хизмат кўрсатилиши тўғрисида шартномани имзолайди. Шартнома тузилаётганда чет эл фуқаросига Санкт-Петербург ва

қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Санкт-Петербург шаҳри,
Красный Текстильщик кўчаси, 15 уй.
318-01-18
www.7771000.ru

Мухожир болалар учун рус тили машғулотлари

Петербургни бир неча фаол ёшлари шаҳарда кўнгилли лойиҳани йўлга қўйдилар. Ўқитувчилар Ўрта Осиё давлатларидан ташриф буюрган, мактаб ёшигача бўлган мухожир болалар билан рус тили ва рус маданияти бўйича машғулотлар олиб бормоқдалар. Машғулотлар бепул. Ота-оналар ҳам машғулотларда иштирок этишлари мумкин.

«Бизлар шуни ҳоҳлардикки, Петербургда барча миллат болалари қувноқ ва бахтли ҳаёт кечиришсин, – дейди лойиҳа координатори Даниил Любаров. –Улар ҳеч бир қийинчиликсиз дўст орттирсинлар, мактабларда қулай таълим олсинлар. Ота-оналари эса уларнинг муваффақиятларидан ғурурлансинлар, уларнинг хавфсизликларидан хавотир олмасинлар. Бунинг учун бизнинг муаллимлар болаларга рус тилини ўрганишларига, ҳар бир жажжи Петербурглик болакай билиши керак бўлган билимларни бермоқдалар».

Хушхабарлар:машғулотлар эндиликда, нафақат «Гостиный Двор» метро бекати яқинида, балки, «Балтийская» метро бекати яқинида ҳам олиб борилмоқда.

Машғулотларга мактаб ёшигача бўлган, рус тили ўз она тилиси бўлмаган болажонлар таклиф этилади. Барча саволлар ва таклифлар бўйича лойиҳа ташкилотчиларини қуйидаги расмий гуруҳига *vk.com/knowyourlanguage* **ёки қуйидаги телефон рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин: 8-921-093-88-19 (Даниил).**

Толерантликни томошабоп қиёфаси

Мана Санкт-Петербург шаҳрида иккинчи маротаба «InSpectrum» ҳаваскор кино Ёшлар фестивали ўтказилмоқда. Кинофестивални ўтказишдан кўзланган ягона мақсад-жамиятда ксенофобия ва расизмга қарши курашиш ва толерантлик ғояларини олға суришдан иборатдир. Ушбу қизиқарли тадбир юзасидан, «Турон» газетаси мухбири фестивал бош ташаббусчиси ва ташкилотчиси Смирнов Антон Викторович билан суҳбатлашди.

- Ассалому алайкум, Антон Викторович, бундай фестиваль уюштириш ғояси қандай пайдо бўлди?

- Ваалайкум ассалом. Ўтган йили, ёзда менга Ёшлар сиёсати бўйича Қўмитадан қўнғироқ қилиб, мухожирларга, толерантлик масалаларига бағишланган ёшлар кино фестивалини уюштиришимни илтимос қилдилар. Мен, бажонидил рози бўлдим, чунки бу мавзу менга бегона эмас, сабаби бизнинг студия «Толерантлик» ҳукумат дастурида аввал ҳам иштирок этган эди. Биз видео лавҳалар олган эдик, фильмлар суратга туширганмиз, Ташқи алоқалар бўйича Қўмита билан ҳамкорликда толерантлик Фестивалида иштирок этган эдик.

Ёшлар фестивали ўтказиш ғояси пайдо бўлгандан кейин, шу маълум бўлдики, бу ғоя бугунги кунда жуда муҳим аҳамиятга молик экан. Мен шуни таклиф этдимки, бу фестивал оддий стандарт фестиваллар ўхшамаган ҳолда ўтказилиши лозим, оддий кино фестивалларда танловда иштирок этиш учун фильмлар юборилади, ҳайъат аъзолари эса, энг яхши фильмни танлаб, ғолибларга совғалар топширадилар. Бундай ўйлаб қарасам, гап ёшлар тўғрисида кетаётган экан, кинони яратилиш жараёнига ёшларни ўзларини ҳам бевосита жалб этиш анча қизиқарли бўлган бўларди, шу боисдан ҳам фестивал икки йўналишда ўтказилмоқда: биринчиси анъанавий йўналиш (тайёр фильмлар қабул қилинади) ва иккичиси ўз ғояси ва саъё-ҳаракатлари билан ўз фильмини яратиш.

Иккинчи йўналиш менга анча қизиқарлироқ туюлмоқда, чунки бу ерда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар билан бевосита ишлаш имконияти мавжуддир. Биз уларни турли ёш гуруҳларига тақсимладик. Булар фақатгина кино санъатини ўрганаётган ёшлар бўлиши шарт эмас, танловда ҳоҳлаган олийгоҳ талабалари, мактаб ўқувчилари, умуман ҳоҳлаган киши иштирок этиши мумкин. Умуман олганда, бирор кимда ғоя бўлса, бизни ёрдамимизда уларни амалга ошириши мумкин. Бунинг учун «Леннаучфильм» да барча зарурий имкониятлар мавжуд, шу жумладан: павильонлар, суратга тушириш техникалари, овоз ёзиш қурилмалари ва монтаж қилиш станциялари. Кино суратга тушириш учун зарур бўлган барча шароит бор, ҳаттоки, тажрибали режиссерлар ва сценаристлар ёшларга ёрдам кўрсатишга, ўз маслаҳатларини беришга тайёрлар.

-Ҳозирда ишлар қайси йўналишда кетмоқда, қайси босқич кетмоқда?

- Умуман олганда, бизда аниқ бир тақсимланиш йўқ. Биринчи босқич якунланди, барча фильмларни тўплаб бўлдик, деб айта олмайман. Танловда фильмларни тўплаш, анча мураккаб жараён ҳисобланади, чунки йил давомида ўз ҳоҳишича фильм суратга туширишни истаган ёшлар жуда кам топилади. Айниқса, бундай мавзуда ва ёшлар ичида. Мавзу мураккаб ҳисобланади, бу ғояни кўпчилик мустақил бошлай олмайди. Танлов дастурларини биз синчковлик билан танлаб олмоқдамиз ва бу дастур бизда унчалик катта эмас-якуний натижага кўра тахминан 20 дона фильм бўлади.

Айни вақтда мастер-класслар бошланди, бизда бир гурух ёшлар мавжуд бўлиб, уларнинг ёши тахминан 14-18 ёшни ташкил этади. Ҳозирда бу ёшлар педагоглар ва режиссёрлар билан иш олиб бормоқдалар, ўз ғояларини ҳақиқий сценарийгача етказишмоқда.

- Педагоглар кимлардан иборат?

- Масалан, Валентина Ивановна Буркаленко – Россия хизмат кўрсатган маданият ходими, студиямиз бадиий раҳбари ҳисобланади. Сергей Олегович Снежкин- халқ артисти, таниқли кинорежиссёр. Кўпчилик таниқли кинематографлар ҳам иштирок этмоқдалар. Улар ҳам болалар билан ишлашга бажонидил рози бўлдилар. Бундан ташқари, «Кино-остров» болалар кино мактаби ва у ердаги муаллимлар ҳам иштирок этмоқдалар, улар болалар билан ишлаш бўйича катта тажрибага эгадирлар. Бошқа кўпчилик бу лойиҳага қўшилмоқда.

- Уларни бу лойиҳага қўшилишларига сабаб, толерантлик, ксенофобия мавзусини очиб беришми ёки ёш авлод билан ишлашга интилишдан иборатми?

- Биласизми, бу саволлар бир-бири билан бевосита боғлиқдир. Бу болаларни маълум бир мавзуда ўз кучларини синаб кўришлари учун ажойиб имкониятдир.

Фестивалнинг бошланиш тадбири

Улар болалар кино мактабига келишганларида, нима ҳақда суратга туширишни билишмайди. Ёки бўлмаса, бошқа бир аҳамиятсиз оддий нарсалар тўғрисида кино суратга ола бошлайдилар, бу ерда эса жуда жиддий мавзу тақдим этилмоқда, бу мавзу уларни яхшилаб ўйлаб кўришга мажбур этади. Биз гувоҳ бўлмоқдамизки, бу жараёндаги фикрлашлар ўзини очилмаган қирраларини очишга ёрдам бермоқда. Шу боисдан ҳам, менинг ўйлашимча, агарда аниқ бир мавзу бўлса, ишлаш ҳам анча осон кечади, айниқча кинога, санъатга биринчи қадамни босиш анча осон бўлади. Агарда драматургия нуқтаи-назаридан муҳим ва қизиқарли яхши мавзу мавжуд бўлса, кўплаб турли сценарийларни, сюжет ва воқеаларни ўйлаб топиш мумкин. Воқеалар турлича бўлади, сюжетлар кўлами янада кенгроқ бўлади.

Биз буларга иштирок этиш учун аризаларни мухокама этаётганимизда гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва бу бошқа миллатларга нисбатан салбий муносабатлар билан боғлиқ бўлган маиший воқеалар эмас, балки бу маданиятларни бир-бирига таъсирини англаш учун қилинаётган ҳаракатлардан иборатдир. Биз барчамиз Санкт-Петербургда истиқомат қиляпмиз-бу шаҳарда санъат ва маданият анча олдин ўзаро мувофиқлашиб кетган. Бу шаҳарда азалдан турлича маданиятлар мавжуд бўлган: шаҳарни ким қурган, ким бу ерда ижод қилган, асарлар ёзган, фаолият юритган. Шу боисдан ҳам, бу йилги ишимизни шиорини «понаехали тут» деб аташга қарор қилдик, бироқ «понаехали тут» ибораси фақатгина таксистлар ёки қурувчиларга нисбатан эмас, балки ёзувчилар, архитекторлар, шоирлар, хайкалтарошлар, ҳайвонот боғидаги ҳайвонларга нисбатан ҳам ишлатилади (тўғриси улар ҳам «бу ерни босиб кетди»да). Бундай олиб қараганда, дарҳақиқат бу ерга жуда кўпчилик «понаехали тут», улар бизни ҳар куни хурсанд этади ва улар билан учрашиш биз учун жуда қизиқарлидир.

- Демак, бундан келиб чиқиб, фестивал экспатларга кўпроқ бағишланган эканда, меҳнат мухожирларига эмас?

- Йўқ, толерантлик фақатгина динлараро масалалар билан чегараланиб қолмайдику. Бундан ташқари, футбол ишқибозлари ичида ёшларгагина хос маданият ва бирлашма мавзулари ҳам мавжуд. Улар ҳам бир-бирларини ҳурмат қилишлари керак. Бироқ, ҳозирча бу бизнинг фестивалда мухожирлар иштирок этганлари йўқ.

-Яъни фестивал маҳаллий аҳолига йўналтирилган?

- Йўқ, фақатгина ҳозир биз, барчани қамраб олишга имкониятларимиз мавжуд эмас. Бироқ, кейинги йилда мухожирлани ҳам қўшишни режа қилиб турибман, чунки ҳар томонни жалб этилиши яхшироқ. Лекин, аксарият қисми, нима бўлганда ҳам мухожирлар билан боғлиқ бўлган ҳолатларга бевосита боғлиқдир. Масалан, кўчада куй чалаётган мухожирни олайлик. Кимлардир ўз тарихини талабалик ётоқхонасида сўзлаб беради, бир хонада 6 киши яшайди ва уларнинг барчаси собиқ ватанимизнинг турли бурчакларидан келишган, ҳамда улар бирга ҳамжиҳатликда яшашга ва маиший муаммоларни бирга ҳал этишга муваффақ бўлишмоқда. Ҳар бир кишини ўз тарихи бор.

Мастер-классларда ва фестивалда петербургликлар ва мухожирлар ҳам иштирок этишлари мумкин, агарда улар Петербургда яшаётган бўлсалар албатта, чунки биз мана шу ҳудудда фаолият юритмоқдамизда. Бизда айни вақтда кўплаб республикалар билан алоқалар мавжуд, лойиҳага Озарбайжон, Ўзбекистон, Украина ва Болтиқ бўйи қўшилиши мумкин. Ҳоҳловчилар жуда ҳам кўп, бироқ биз Петербург билан чегараланиб қолишга мажбурмиз. Шаҳар бюджетидан ажратилаётган маблағ, шаҳар аҳолисига йўналтирилган бўлиши керак. Бироқ Петербургда яшаётганлар бемалол иштирок этишлари мумкин.

Биз кино оламиз, шунинг учун образлар тилида гапириш осонроқ бизга. Бу образлар бизга санъат дунёсидан келмоқда. Менинг ўйлашимча, бу тил орқали бир-биримиз билан келишиш осонроқ, бошқа бирор маиший эпизодларни ҳал қилиб ўтиргандан кўра.

- Антон Викторович, жамоа сизга қандай муносабатда бўлмоқда? Фестивалга нисбатан бирор бир салбий фикрлар борми?

- Бизнинг фестивал одатий фестиваллардан фарқ қиладиган томони шундаки, биз тақдимотдан кейин барчага ўз фикрини билдириш имкониятини берамиз. Микрофонлар тақдимотда иштирок этадиган муаллифларда, ҳайъат аъзоларида (бизда ҳайъат аъзолари очиқ ҳолда мухокама қиладилар) ва шу билан биргаликда томошабинлар залида ҳам бўлади. Ўтган йили шундай фильмлар бўлган эдики, бунда боллар кўпроқ экстремистик хулосалар чиқаришган эди. Кимлардир ўзаро кескин мухокама қилишган, бу ерда ким тўғри ва ким нотўғри эканлигини ҳал этишга уринишган. Шу ҳолатни кузатиш жуда қизиқ бўлганки, мухокама жараёнида айблаш керак эмаслигини тушуниб етишган, балки бу масалаларга кўпроқ ҳар томонлама ёндошиш лозим эканлигини англаб етишган.

Антон Викторович Смирнов – «Леннаучфильм" киностудиясининг директори

Менинг ўйлашимча, фестивалнинг асосий мақсадларидан бири- бу ёшларга ўйлаб кўришлари учун имконият беришдир. Улар фильмларини яратиб, мухокама қилинаётган вақтда икки маротаба кўпроқ фикрлайдилар, ўйлаб кўрадилар. Биз ҳатто уларни иш жараёнида йўналтирмаймиз ҳам, озроқ иғвогарликка йўл қўйишса ҳам, тўғриламаймиз. Чунки хатосидан ўзлари хулоса чиқарсинлар.

Ўтган йили бизда эксперт сифатида православ руҳонийси иштирок этган эди, христианлик нуқтаи-назаридан баъзи бир ишларда йўл қўйилган хатоларни жуда чиройли қилиб тушунтириб берган эди. Бу сафар биз бошқа нуқтаи-назарларни ҳам очиш учун бошқа дин вакилларини ҳам таклиф этмоқчимиз.

- Томошабинларни фикри қандай бўлган эди? Ижобий фикрлар кўпроқ бўлдими ёки салбий?

- Мунозарага жалб этилган ҳар бир мавзуни ўзи – ижобий натижа ҳисобланади, шунинг учун эътиборли бўлишдими ёки йўқми деб гапириш керак. Менинг бош вазифам гулдуроз қарсаклар ва хурсанд қилишдангина иборат эмас, балки мунозарага жалб қилиш ва бошқа нуқтаи-назарларни ҳам тушунтиришдан иборатдир. Ижобий ва салбий фикрлар-бу умуман бошқа тоифага киради, булар бизга унчалик қизиқ эмас.

- Бу йили кўп томошабинларни кутяпсизларми?

- Умуман ҳамма муассасага хабар қилинди: олийгоҳлар, мактаблар, театр ва кино тўгараклари. Бироқ ҳамиша ўзига керак бўлган одамлар келишади. Ўтган йили киностудияга юзлаб одамлар келишган эди, ўз ишини давом эттирганлар эса бир неча ўнлаб одамлар қолди холос. Биз уларни бир гурухга бирлаштирдик-уларнинг барчаси биргаликда иш олиб бордилар. Улар биргаликда битта видео лавҳа суратга олган эдилар.

-Келажакдаги режаларингиз қандай?

- Мен ҳоҳлардимки, бу фестиваль-халқаро фестиваль мақомини олса. Мен Маданият вазирлигига ариза бергандим, янада кенг қамровли бўлиши учун. Жанубий Кореядан тортиб Испаниягача, бутун европа ва Осиё бизга қўшилишга тайёр, чунки кинофестивал ўқиши билан биргаликда жуда қизиқда. Бироқ бунинг учун биз қўллаб-қувватлов олишимиз керак.

- Айтингчи, фильмларнинг ичида қайси бири сизда кўпроқ таасурот қолдирди?

- Ҳа, албатта шундай ҳолат бўлган эди. Бу фильм қамал тўғрисида эди, бу фильмни технология ва дизайн Унивеситетида таҳсил оладиган қиз суратга туширган эди. Балки таҳсил оладиган жойини адаштираётгандирман, лекин киноинститут эмас эди.

Картиналар жуда профессионал тарзда суратга туширилган ва бир соқов қизалоқ билан содир бўлган ҳаётий воқеани ёритиб берган эди. Воқеалар қамал даврида бир хонада рўй берган. Барчаси унинг отаси уришга кетаётиб, қизалоққа мусиқа шкатулкасини бериб кетишдан бошланади. Бу мусиқа шкатулкасини ичида Париж манзараси тасвирланган.

Фильм унча катта бўлмаган эпизодлар билан, деарли суҳбатларсиз тасвирга туширилган. Аввалида отаси кетади, кейинроқ онаси кетади ва қайтишмайди. Қизалоқ ўзини опа-акалари билан қолади. Қаҳратон қиш бошланади, болалар совуққота бошлайдилар, бироз вақтдан кейин ёлғиз ўзи қолиб кетади. Бир мунча вақтдан кейин уйда одамлар юрганини ва тирик жонни излаётганини эшитиб қолади. Бироқ соқов бўлганлиги боис гапира олмайди, очликда қимирлашга кучи ҳам қолмайди. Шунда қизалоқ, отаси совға қилиб кетган мусиқа шкатулкасини эслаб қолади ва мусиқа чала бошлайди, одамлар мусиқани эшитиб, қизалоқни қутқарадилар. Фильм якунида бу қизалоқ ҳозир тириклиги ва анчагина қариб қолгани, ҳамда Парижни кўриб, ягона орзусига эришганлиги кўрсатилади. Шундай бир таъсирчан кино тасвирга олинган эди.

- Қимматли вақтингизни ажратиб, фестиваль тўғрисида маълумотлар берганингиз учун сизга катта рахмат. Ижодингизга омад ва муваффақиятлар ёр бўлсин! Янада кўпроқ истеъдодли ёшларни жалб этинг!

Дина Шакенова суҳбатлашди

Янгиликлар

«Сенная площадь» даги савдо дўконлари бузиб ташланади

«Сенная площадь» ни қайта таъмирлаш лойиҳаси муаллифи Александр Супоницкийнинг таъкидлашича, яқин кунлар ичида бу майдондаги савдо дўконлари бузиб ташланади. Энг катта ўзгаришлардан бири бу – «Пик» савдо мажмуасини кўчирилиши ҳисобланади. Бу савдо мажмуаси Супоницкийнинг архитектура бюроси томонидан лойиҳалаштирилган эди. Майдонни янги лойиҳасига кўра, бу мажмуа «Сенная» ва «Спасская» метро бекатлари устида жойлашади. Бундан ташқари, трамвай йўллари қайта қурилиб, жамоа транспорти ва таксиларни тўхташлари учун қулай жойлар бунёд этилади. Шундан кейингина 1961 йилда аксон этилган «Спас на Сенной» деб ном таратган Успенкий черковини қайта тиклаш ишлари бошланади.

Ушбу майдонни қайта таъмирлаш лойиҳаси учун буюртма «Суарт» архитектура бюросига 2012 йилда берилган эди, ушбу лойиҳа орадан бир йил ўтиб тайёр бўлди, яна бир йил давомида шаҳар маъмуриятида бюджет режалаштирилиб, киритиладиган янгиликлар мухокама қилинган эди. Амалга ошириладиган реконструкция ишлари устидан назорат қилиш «Ленгипроинжпроект» ташкилотига топширилди.

Ҳидга қарши курашиш

Бутун Петербургни чиқинди оқава сувлари бориб тушадиган «Северный» полигони эфир мойи аралашмаси билан ишлов берила бошланади. Петербург водоканали шу тарзда бу ердан чиқаётган ёқимсиз ҳидларни йўқотишга умид боғламоқда. Кўпчиликка маълумки, Приморский тумани аҳолиси кўп йиллар мобайнида бу ёқимсиз ҳид устидан шикоят қилиб келмоқдалар. Бу ҳид, шимолдан кучлироқ шамол эсган вақтда айниқса, яққол сезилади.

1986 йилдан то 2008 йилга қадар «Северный» полигонига тозаланган ва Фин қўлтиғига чиқариб юборилган сувларни ёқимсиз ҳид чиқарувчи чиқиндилари олиб келиб ташланар эди. 2008 йилда тозалаш станциясида ёндирувчи завод ишга туширилган эди, бироқ ҳозирги кунда полигонда 2 миллион кубометр чиқиндилар сақланиб келинмоқда, булар аста-секинлик билан қайта ишланмоқда.

Бу синов лойиҳасини компания жорий йилнинг сентябр ойидан бошлаб ишга туширмоқда. Полигонда органик аралашма билан ишлов берилади, бу жараён Канада келтирилга тўлиқ автоматлаштирилган қурилмалар ёрдамида амалга оширилади. Шаҳар водоканалида маълум қилишларича, бу органик аралашма ҳидни бутунлай йўқотиб, теварак-атрофга ҳам зарар келтирмайди.

«Петроградской» метро бекати бир йилга беркитилади

Петербург метрополитенида «Петроградской» метро бекатини тўлиқ таъмирдан чиқариш лойиҳаси ва муддати билан узил-кесил қарор қабул қилинди. Метро бекатини таъмирлаш ишлари деарли бир йил мобайнида давом этади: станция жорий йилнинг 17 декабрида йўловчилар учун ёпилади, фақатгина 2013 йилнинг ноябрь ойидагина ишга туширилади. Таъмирлаш ташкилоти метро вестибюлини, кассасини, ойна эшикларни таъмирлайдилар, эскалатор, деворларни юз қатлами алмаштирилади, хизмат хоналари қайта таъмирдан чиқади. Бу ишлар учун шаҳар бюджетидан 147 миллион рубл сарфланиши режалаштирилмоқда.

Айни вақтда «Петроградская» метро бекатидан ойига 1,5 миллион киши фойдаланади: бу станция Петроградский томонининг энг одам кўп бекати ҳисобланади. Метро бекатини ёпилиши муносабати билан, шаҳар транспорт Қўмитаси қўшимча автобуслар ва маршруткалар сонини оширишни режалаштирмоқда.

Васильевкий оролидаги Средний пропекти пиёдалар йўлакчасига айлантирилиши мумкин

Янги пиёдалар йўлаги 2016 йилда Васильев оролида пайдо бўлиши мумкин. Машиналардан Средний проспекти бўшатилади, тратуарлар кенгайтирилади ва фақатгина жамоа транспорти учун икки йўлакча қолдирилади. Большой ва Малый проспектлари бир томонлама кўчага айлантирилади. Бу лойиҳани амалга оширишга 2013 йилдан киришилади, ана шундан кейингина траспорт инфраструктурасини ривожлантириш Қўмитаси Средний проспекти пиёдалар йўлакчасига айлантириш бўйича аниқ қарор қабул қилади.

Ҳозирги кунда Қўмитада 2020 йилга қадар пиёдалар йўлакчасини ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Бу лойиҳа яна қандай кўчалар кириши, ҳозирча номаълум. Тахмин қилинишича, бу дастур келгуси йилда тасдиқланади.Бугунги кунда қўмита раҳбари Борис Мурашовнинг маълум қилишича, келажакда Невский проспекти ҳам пиёдалар зонасига айлантирилиши мумкин.

Ҳарбий доктрина ягона ҳужжати

Қирғизистон Мудофаа Кенгаши Котиби Бусурманкул Табалдиев парламент йиғилишида Ҳарбий доктрина лойиҳаларини бирлаштириш ва ягона ҳужжат ишлаб чиқиш таклифи билан чиқди.

Бунга СДПК партияси депутати Исмаил Исаковни танқиди сабаб бўлиб, депутат давра сухбати иштирокчилари мухокамасига чиқарилган давлат Ҳарбий доктринаси бўйича ўз норозилигини маълум қилди. Мудофаа Кенгаши котиби бу танқидга қайсидир маънода қўшилди ва «Ҳарбий доктрина» атамасини аниқ тушунчаси ишлаб чиқилмаганлигини маълум қилди.

Мудофаа кенгаши котиби Исмаил Исаковни лойиҳасини кўриб чиқишни таклиф этди, агарда бундай лойиҳа мавжуд бўлса, икки лойиҳа бирлаштирилиб, ягона ҳужжат яратиш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Ибодатчиларни биринчи гуруҳи Қирғизистондан Саудия Арабистонига 2 октябрь куни учиб кетади

Қирғизистонлик биринчи гуруҳ ибодатчилар тўғридан-тўғри рейс билан Бишкек ва Ўшдан Саудия Арабистонини Мадина шаҳрига учиб кетадилар. Бу ҳақда Қирғизистон Республикаси муфтийси вазифасини ижро этувчи Раҳматулла хожи Эгембердиев маълум қилган.

Унинг маълум қилишича, 2012 йилда Қирғизистондан хаж афарига 4500 киши жўнаб кетади. Ўтган йилги сингари, Саудия Арабистонига ташриф буюриш учун визалар ушбу фуқароларга аэропортни ўзида берилади. Бундан ташқари, уларнинг ҳар бири учун махсус идентификацион карта ҳам расмийлаштирилган.

Бишкекда Чингиз Айтматовнинг нашр этилмаган қўлёзмаси топилди

Чингиз Айтматовнинг «Ер ва флейта» номли нашрдан чиқарилмаган романини ёзувчининг рафиқаси топган. Бу ҳақда, ёзувчини қизи Ширин Айтматова маълум қилди.

Унинг сўзларига кўра, бу «Ер ва флейта» қўлёзма китоби тасодифан топиб олинган. Эндиликда бу асар ва бошқа буюмлар музейга топширилади. Ёзувчининг қизини таъкидлаб ўтишича, нашр этилмаган романда Катта Чуй каналани қурилиш давридаги воқеалар, шу жумладан, бу канални қазиш мобайнида топилган бир неча археологий артефактлар, уларни ичидаги Будда хайкали тўғрисида маълумотлар кўрсатиб ўтилган.

Мутахассисларни маълум қилишларича, китобни ёзилиш услуби эски бўлиб, тахминин ўтган юз йилликни 60-чи йилларига тўғри келади. Қўлёзмада икки варақ етишмайди. Бу асар бир йилдан кейин нашрдан чиқарилиши мумкин.

Марказий Осиё мамлакатлари мусиқа фестивали Нью-Йоркда ўтказилди

Куни кеча Нью-Йоркни East River Park истироҳат боғида биринчи Марказий Осиё мусиқа фестивали ўтказилди. Концерт дастурини томоша қилиш учун кўп сонли томошабинлар ташриф буюрдилар. Уларни аксарияти Марказий Осиё маданияти билан нотаниш бўлиб, намойиш этилган дастурлар уларда катта таасурот қолдиргани табиий ҳолат.

Томошабинларни нафақат қўшиқлар ва рақслар ҳайратда қолдирди, балки шу билан биргаликда фестиваль иштирокчиларини ранг-баранг миллий либослари ҳам уларда катта қизиқиш уйғотди.

Томошабинлар томонидан «Мисс Интернет KG 2012» Айколь Аликжанова томонидан ижро этилган қирғиз миллий рақси жуда юқори баҳоланди.

Фестиваль ташкилотчиларини таъкидлаб ўтишларича, келгуси ҳамкорликдаги лойиҳа шу йилнинг 19 декабрида режалаштирилмоқда. Бу лойиҳа Марказий Осиёнинг беш давлати иштирок этиши режалаштирилмоқда.

Русия касд дорад ба иктисодиёти Точикистон сармоягузори кунад

Русия касд дорад то соли 2030 ба иктисодиёти Точикистон наздики 12 млрд. доллар сармоягузори кунад. Дар ин бора 26 сентябр дар Душанбе зимни як мизи гирд дар мавзуи «Дурнамои шомилшавии Точикистон ба Иттиходи гумруки» рахбари харакати чамъияти байналмилалии «Рушд» ва муаллифи тархи «Карпаратсияи рушди Осиёи Маркази» Юрий Крупнов иттилоъ дод.

«Ба назари мо барои ноил шудан ба ин хадафхо бояд карпаратсияи рушди Осиёи Маркази сохта шавад ва маркази он бояд Душанбе интихоб гардад. Ин ба он вобаста аст, ки ба назари мо, Точикистон кишвари калидии минтака ба хисоб меравад», – афзуд Крупнов. Вай хамчунин гуфт, ки кисми зиёди сармоя бояд лоихахои обиву энергетика ва саноъат равона гардад.

Ба Точикистон мухочирони гайриконуни Афгонистон тахдид мекунанд

Собири Аъзам, яке аз рахбарони минтакаии СММ, изхор дошт, ки бо назардошти хачми хамсархадии Точикистону Афгонистон сатхи тахдиди мухочирати гайри конуни хеле баланд хохад буд. Тибки гуфтахои вай, дар муддати 9 мохи соли чори ба Точикистон бештар аз 400 нафар мухочир аз Афгонистон ворид шудааст, ки кисми зиёди онхо касди ба кишвари севум сафар карданро доранд. Ин намояндаи СММ меафзояд, ки бо сабаби афзоиши мухочирати гайри конуни аз Афгонистон, дар ин самт кумисиёни вижае таъсис шудааст.

Тибки иттилои ин созмон, дар холи хозир дар Точикистон бештар аз 4 хазор панохандаи афгон ба сар мебарад. Ба чуз ин, боз 600 нафари дигар дар интизори дарёфти макоми расмии гурезандаги хастанд. Собири аъзам афзуд, ки Точикистон сарфи назар аз мушкилоти худ, то хадди имкон ба гурезахои афгон кумак мерасонад.

Бештар аз хазор хонандаи болаёкат дар маркази рушди истеъдодхо таълим мегирад

Бештар аз 1040 нафар хонандаи мактабхои миёнаи пойтахт, гимназия ва литсейхо дар Маркази рушди истеъдодхои шахри Душанбе ба тахсил пардохтанд. Дар маркази мазкур наздики 11 барномаи таълимии иловаги оид ба риёзи, физика, кимиё, биология, информатика, забони руси ва гайра ба рох монда шудааст.

Вижагии ин марказ дар он аст, ки кудакон дар намуди махфил таълим мегиранд. Бо истифода аз захмати махфилхое чун «Забондуст», «Журналистони чавон», «Махфили фарханги англисзабонон», «Мубаллигон» чамъомадхои эчоди, конфронсхо, мизи гирдхо ва мулокотхо доир мегардад. Таълимгирандагони «Махфили фарханги англисзабонон» феълан бо Маркази иттилоотиву захиравии Сафорати Амрико хамкории зич доранд ва аз сафорат адабиёти таълими бо забони англиси дарёфт мекунанд. Журналистони чавон ва забономузон дар родио бо барномахои вижа худ баромад мекунанд ва хамчунин метавонанд кори илми доир намоянд.

Хамасола дар марказ аз руи хамаи фанхои таълимии макатаби миёна олипиада гузаронида мешавад. Соли чори дар олимпиадаи чумхурияви хонандагони мактабхои пойтахт 20 чои аввал, 27 чои дувум ва 36 чои севумро ишгол карданд. Кисми зиёди ин барандахо хонандаи маркази боистеъдодхо ба хисоб мераванд.

Сохибкорони эрони омодаанд техналогияи пешкадам манзур созанд

Холати чори ва самти аввалиндарачаи хамкорихои Точикистону Эрон дар як нишасти сохибкорони Эрону Точикистон дар Душанбе барраси шуд. Дар рафти муколама сухан аз боби лоихахои муштарак, ки ба таквияти равобити минбаъдаи иктисоди мусоидат хоханд кард, чараён гирифт. Намояндаи сохибкорони эрони изхор кард, ки сохибкорони эрони омодаанд ба хамтоёни точики худ техника ва техналогияи навбатарини худро пешниход кунанд.

Сардори Палатаи савдо Шариф Саид бо бовари изхор дошт, ки фаъолияти сохибкорони точику эрони дар оянда низ ба таквияти хамкорхо мусоидат хохад кард.

Пахта ва тўқувчилик саноати Форуми

Тошкентда 17-18 октябрь кунлари пахта ва тўқувчилик саноати халқаро форуми бўлиб ўтади. Бу тадбирнинг халқаро нуфузи йилдан йилга ошиб бормоқда, шу билан биргаликда дунёнинг турли мамлакатларидан кўпроқ бизнес-структураларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Хориж экспертларининг алоҳида таъкидлаб ўтишларича, бу тадбирга халқаро ишбилармон доиралар ва жамоаларни катта эътибор қаратиши табиий албатта, чунки бозорларни келажакдаги тараққиёти айнан мана шундай форумлар натижасига бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари, пахтачилик саноати ва бу боғлиқ билан соҳаларни эртанги кунига ҳам форумлар катта ижобий таъсир кўрсатади.

Дастлабки маълумотларга кўра, бу йили ярмаркага ўнлаб давлатлардан жуда кўп иштирокчилар келиши кутилмоқда, шу жумладан АҚШ, Хитой, Россия, Евроиттифоқ, Япония, Ҳиндистон, Бангладеш, Корея Республикаси, МДҲ, Яқин Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақаси ва Африка давлатларидан иштирокчилар келиши кутилмоқда. Тадбирда «Cotton Outlook» агентстваси, Пахта бўйича Халқаро консультатив қўмитаси ҳам фаол иштирок этади. Бу ташкилотларга ўзбек янги пахтасини етказиб бериш бўйича янги келишувлар тузиш учун барча зарурий шароитлар яратиб берилади.

Бундан аввал ўтказилган пахтачилик ва тўқимачилик ярмаркалари шуни кўрсатдики, ўзбек пахтаси ва ипаги дунё бозорида ўта юқори баҳоланади, кўплаб давлатларда катта талабкорликка сазовор бўлмоқда. Эндиликда эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва босқичма-босқич ошириб бориш лозим.

Луврда ислом санъати галереяси очилди

Луврда ислом санъати янги галереяси очилди. Пар чиқаётган том, шарқона учар гиламча музей ҳовлиларидан бирини устини ёпиб турибди, бу ерда ислом санъатининг Европадаги энг йирик коллекциялари тўпланган.

Анчадан буён, Луврда бундай кенг кўламли ишлар амалга оширилмаган эди. Иш жараёни деарли ўн йил мобайнида давом этди. Ушбу лойиҳани Франция ҳукумати молиялаштирди, бундан ташқари, Саудия Арабистонидан, Уммонда, Мароккодан, Қувейтдан ва Озарбайжон давлатларидан ҳам маблағлар келиб тушган. Саудия шаҳзодаси ал-Валид ибн Талалнинг ўзи бу лойиҳага 21 миллион АҚШ доллари хайрия қилган.

Экспозициялар XII-XIX асрларга тегишли бўлган 3 мингдан ортиқ санъат асарларидан иборат бўлиб, уларнинг барчаси, ислом- биринчи навбатда тараққий топган ва ажойиб маданият эканлигидан дарак бериб туради. Галереяни тантанали очилиш маросимида Франция президенти Франсуа Олландни шахсан ўзи иштирок этди.

Бугунги кунда Францияда Европа бўйича энг кўп мусулмонлар оммаси истиқомат қилиб келмоқда, шу боисдан ҳам французлар ислом маданиятига ўзларини юқори ҳурмати ва муносабатини кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, умид қилинмоқдаки, Европа мусулмонлари бу экспозицияларга исломга толерантлик билан муносабатда бўлишга чақирувчи ташаббус сифатида ёндошадилар ва масжидлар қурилишини таъқиқланишига ва анъанавий бош кийимларини кийиб юрилиши таъқиқланишига тўғри муносабатда бўла бошлайдилар.

Кураш спорти бўйича олимпия заҳиралари мактабларини яратиш

Ислом Каримов 24 сентябрь куни «Кураш спорти бўйича олимпия заҳиралари махсуслаштирилган мактабларини яратиш тўғрисидаги» Қарорни имзолади.Ушбу ҳужжат Республикада кураш спортини олимпиада спорт турларидан бири сифатида яна кенг ривожлантиришга қаратилган. Шу муносабат билан Токентда кураш спорти бўйича олимпиа захиралари махсуслаштирилган мактаби ишга туширилади. Ушбу махсуслаштирилган мактаб ИИВ қошида эски спорт мажмуаси биноси ва иншоотлари базасида интернат спорт-таълим муассасаси сифатида яратилиб, бу ерда эркин кураш ва юнон-рим кураши бўйича ёш истеъдодли спортчи ёшларни танлаш ва тайёрлаш билан шуғулланилади. Махсуслаштирилган мактабни жами ўқувчилар таркиби 60 кишини ташкил этиб, бу ерда ўқувчилар турар-жой, 4 маротаба иссиқ овқат, спорт анжомлари ва махсуслаштирилган кийимлар, ҳамда бошқа спорт анжмолари билан тўлиқ таъминланади.

Президент тегишли идораларга бир ой муддат ичида мактабни қайд этиб, уни юқори малакали мутахассислар билан тўлдиришни, ўқув хоналари билан жиҳозлаш ва зарурий ўқув-услубий адабиётлар билан таъминланиши учун топшириқ қўйди. Икки ой муддат ичида эркин кураш ва юнон-рим кураши бўйича халқаро энг илғор тажрибаларга таянган ҳолда тайёрлаш ўқув дастури ишлаб чиқилиши лозим.

Қонун ва тартиб

Ҳурматли муштарийлар, газетамизнинг ҳар сонида «Россия мухожирлик хабарлари» саҳифаси орқали янгиликларни чоп этишдан кўзлаган ягона мақсадимиз, бировларни хатосига қараб туриб хулоса чиқариш, қонунлар доирасидан четга чиқиш яхшиликларга олиб келмаслигини сизларга етказишдан иборатдир. Кўнгилсиз ҳодисаларга ва ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари билан муаммолар пайдо бўлмасин, десангиз қонунларга ҳамиша риоя қилинг.

150 та қонунбузарлик ҳолатлари ва уч миллион жарима

Бурятия полицияси ва Миграцион хизмати ҳамкорликдаги «Патент» тезкор-профилактика тадбирини якунладилар. Амалга оширилган текширув тадбирларидан бири Бурятия Бичурский туманида жойлашган хусусий пилорамада ўтказилиб, натижада ФМХБ ходимлари беш нафар чет эл фуқароларини қўлга олдилар.

Виталий Тыжеев – Бурятия бўйича Россия ФМХ Бошқармаси иммиграцион назорати бўлими бошлиғи ўринбосари: «Барча чет эл фуқаролари маъмурий жавобгарликка тортилдилар, уларга нисбатан жарималар солинди. Кўрсатиб ўтилган чет эл фуқароларига нисбатан Россия Федерацияси ҳудудига кириш учун уч йилгача таъқиқланади».

Бурятиядаги миграцион қонунларни бузаётган шахсларни уч тоифага бўлиш мумкин: биринчи тоифаси, ўз даромадларидан солиқ тўламаётганлар, иккинчиси патентсиз ишлаётганлар, учинчи тоифа эса, Улан-Удэда патент олиб, ҳисобга турмасдан бутун республика бўйича юрадиганлар.

Умуман олганда, тезкор текширувлар натижасида 150 дан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 300 мингдан ортиқ маъмурий жарималар солинди. Ҳамкорликдаги тадбирлар мобайнида 250 дан ортиқ турли объектлар полиция ва ФМХб ходимлари томонидан кўздан кечирилди. Бундан ташқари, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ноқонуний мухожирларни патентсиз ва ишлаш рухсатномасиз ишга жалб этган корхона раҳбарлари ҳам маъмурий жавобгарликка тортилди.

Йил бошидан буён Свердлово суд нозирлари 50 нафар Ўзбекистон фуқароларини бадарға қилдилар

Свердловской вилояти Полевский тумани Суд нозирлари икки нафар Ўзбекистон фуқароларини маъмурий тартибда бадарға қилиб юбордилар. Ушбу фуқароларда рўйхат ҳам, хусусий тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун рухсатнома ҳам бўлмаган. Шундай қилиб, ушбу давлатдан ташриф буюрган ва маъмурий тартибда бадарға қилиб юборилган ноқонуний меҳнат мухожирларини сони, йил бошидан буён Свердловской вилоятида 50 нафардан кўпчиликни ташкил қилган.

Файзулла Тухтаев ва Озодбек Хориновлар мамлакатда миграцион ҳисобга турмасдан истиқомат қилганлар. Федерал миграцион хизмати туман бўлимида «қонунийлашишга» шошилишмаган. Бир йилдан ортиқ муддат мобайнида доимий турар-жойига эга бўлмаганлар, тўғри келган ишларни бажаришиб, кун кечириб юрганлар. Шу боисдан, Тухтаев ва Хориновлар маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Туман судининг қарорига мувофиқ, уларнинг ҳар бирига нисбатан 2000 рублдан маъмурий жарима солиниб, Россиядан ватанларига бадарға қилиб юборилди. Суд нозирлари Ўзбекистон фуқароларини Кольцово аэропортигача кузатиб қўйдилар.

Бундан ташқари, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон фуқаролари Свердловской вилоятидан мамлакат ташқарисига бадарға қилиш бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турибди, биринчи ўринни эса, Тожикистон фуқаролари эгаллаб турибди. 2012 йилнинг бошидан буён суд нозирлари бу давлатга 61 нафар мухожирни жўнатиб юборганлар.

Рязандан икки нафар Ўзбекистон фуқаролари бадарға қилинди

Ушбу мухожирларни суд амалидаги қонунчиликка мувофиқ, Россия ҳудудида бўлиш тартибларини бузишда айбдор деб топиб, уларга нисбатан маъмурий жарима солиниб, мамлакат ҳудудида маъмурий тартибда бадарға этиб юборилди.

Чет эл фуқаролари тезкор навбатчиликни махсуслаштирилган бўлими ходимларини кузатуви остида Россия ИИББ минтақавий махсус муассасидан Домодедово аэропортигача олиб бориб қўйилди. У ерда бу мухожирлар Россия Федерациясидан ташқарига жўнатиб юбориш учун Чегара назорати ходимлари қўлига топширилди.

Липецк суд нозирлари 8 кишини бадарға этдилар

2012 йил бошидан буён, Липецк вилояти суд нозирлари томонидан ноқонуний мухожирларга нисбатан 13 та ижро ишлари қўзғатилган. Бунга асос бўлиб, ижро этиш учун жўнатилган суд қарори хизмат қилган.

Ҳозиги вақтга қадар 8 нафар Афғонистон, Белоруссия, Тожикистон, Ўзбекистон, Озарбайжон, Қирғизистон ва Қозоғистон фуқаролари Россия Федерацияси ҳудудидан ташқарига маъмурий тартибда чиқариб юборилган. Уларнинг барчаси Россия Федерацияси ҳудудида бўлиш тартибини бузганлар ва маъмурий равишда Россиядан мажбурий тартибда чиқариб юборилган.

Бадарға этиш вақтини кутиб турган 5 нафар ноқонуний мухожирлар, ижро иши доирасида процессуал ҳаракатлар якунланганда, ўз ватанларига жўнатиб юборилади. Яқин беш йил ичида миграцион режимини бузган ушбу фуқароларга Россия кириш учун беш йил муддатга таъқиқ қўйилди.

Перм ўлкасида «Нолегал» тадбирини иккинчи босқичи амалга оширилди

Перм ўлкаси бўйича Россия ФМХБ ходимлари бу ўлка ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда «Нолегал мухожир» номли тезкор профилактика тадбирларини иккинчи босқичи амалга оширилди. Ўн кун ичида қурилиш объектларида, бозорларда ва савдо нуқталарида чет эл ишчи кучларидан фойдаланаётган 465 та иш берувчи ташкилотлар, шунингдек 915 та мухожирларни тўпланиб истиқомат қилиш жойлари текширувдан ўтказилди.

Натижада 966 та миграцион қонунчилигини бузилиш ҳолатлари аниқланди, шу жумладан:

- 470 та кириш, чиқиш ва бўлиш қоидаларини бузиш ҳолатлари;
- 173 та меҳнат фаолиятини олиб бориш белгиланган тартибини бузиш ҳолатлари.

Бундан ташқари, мухожирлик қонунчилиги бузилганлиги учун 201 нафардан ортиқ Россия фуқаролари ҳам маъмурий жавобгарликка тортилган. Солинган жарималар миқдори 2 миллион 420 мингдан ортиқ қийматни ташкил этди.

Бу ўлка суд идораларига чет эл фуқароларини Россия Федерациясидан маъмурий чиқариб юбориш тўғрисида қарор қабул қилиш учун 23 та иш материаллари юборилган.

Гайнский туманидаги қишлоқлардан бири ёнида жойлашган ўрмончилик саноати пилорамасида миграцион хизмати бўлими ходимлари 15 нафар чет эл фуқароларини қўлга олдилар. Бу ерда Ўзбекистон фуқаролари ўрмон кесиш билан шуғулланиб келганлар. Текширувлар натижасида маълум бўлишича, улардан 14 нафари бу ерда ноқонуний меҳнат фаолиятини юритиб келганлар. 7 нафар чет эл фуқароларига нисбатан иш материаллари судга юборилиб, уларни Россия Федерациясидан маъмурий чиқариб юбориш чорасини кўриш ҳал қилинмоқда. Иш берувчи ташкилотга нисбатан ҳам текширув тадбирлари олиб борилмоқда.

Москва ортидаги Балашихада полиция ходимлари 50 нафарга яқин ноқонуний мухожирларни қўлга олди

Полиция ходимлари Балашихадаги бозорлардан бирида ноқонуний ишлаб, яшаётган 48 нафар ноқонуний мухожирларни фош этди.

Бу мухожирлар МААЙ (МКАД) нинг 103 километрида, «Абрамцево» бозори жойлашган ҳудудда топилганлар. Бу ноқонуний мухожирлар Тожикистон ва Вьетнам давлати фуқаролари ҳисобланадилар. Бундан ташқари уларнинг ичида икки нафар Хитой фуқаролари ҳам бор.

Бундан биров аввал Москва вилояти бўйича Федерал миграцион хизмати ходимлари Москва ортидаги Люберцда омборхоналардан бирида 100 нафар ноқонуний мухожирларни қўлга олган эдилар. 100 дан ортиқ ноқонуний мухожирлар эса, Балашихадаги кийим тикувчилик цехларидан биридан ўтказилган текширув тадбирлари мобайнида фош этилган эди. Бундан ташқари, 40 нафар Ўзбекистон фуқаролари кетаётган автобус тўхтатилиб текширилганда, уларнинг аксарият қисмида тегишли ҳужжатларни мавжуд эмаслиги аён бўлади.

Шунингдек, жорий йилнинг 19 сентябрь куни подмосковский Ногинскда ИИВ ББ ходимлари томонидан яширин тикувчилик цехларидан бири текширилганда, у ерда 60 дан ортиқ Тожикистон ва Ўзбекистон фуқаролари Adidas, Reebok ва Nike маркаларидаги кийим кечакларни ноқонуний равишда тикиш билан шуғулланаётганликлари маълум бўлади. Бу ноқонуний мухожирлар бундан ташқари, бу тикувчилик цехида ишлаш билан биргаликда, бу ерда истиқомат ҳам қилишган. Бундан ташқари, Люберецкий тумани Томилино поселкасидаги тикувчилик цехи ҳам 100 га яқин ноқонуний мухожирлар фош этилган.

Якутиядан навбатдаги чет эллик ишчилар гуруҳи мамлакатдан маъмурий чиқариб юборилди

Навбатдаги чет эллик ноқонуний ишчилар гуруҳи суд нозирлари томонидан Россия Федерацияси ҳудудидан маъмурий тартибда чиқариб юборилди.

Жорий йилнинг 9 сентябрь куни тунда «Якутское» махсус муассасасидан беш нафар чет эл фуқаролари суд нозирлари томонидан аэропортгача кузатиб борилди, у ердан Якутск-Новосибирск рейси орқали учиб кетишди. Новосибирскда ушбу фуқаролар чегара назорати ходимлари ихтиёрига топширилиб, навдатдаги рейс билан мажбурий равишда ватанга жўнатиб юборилади.

Суд идоралари томонидан маъмурий тартибда давлатдан чиқариб юбориш тўғрисида қарор чиқарилаётганлигини асосий сабаби, бу чет эл фуқароларини Россия Федерацияси ҳудудида юриш учун ҳуқуқ берувчи ҳужжатни мавжуд эмаслиги, ёки давлатда бўлиш муддатини кечикиб кетиши ва ўз ҳоҳиши билан давлатни тарк этишдан бош тортиш, шунингдек ишлаш рухсатномасиз меҳнат фаолияти билан шуғулланиш каби қонунбузарликлар ҳисобланади.

2012 йилнинг бошидан буён Якутияни ўзидан Россия Федерациси ташқарисига 101 нафар чет элликлар бадарға қилинган бўлиб, улардан 85 нафар хорижликлар Якутскдан жўнатилган.

Бошқирдистондаги «Патент»

Чет эл фуқароларини ноқонуний равишда ишга жалб этиш ва улар меҳнатидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш каби ноқонуний ҳолатларни аниқлаш мақсадида Бошқирдистон Республикаси бўйича Россия ФМХБ ходимлари томонидан «Патент» тезкор профилактика тадбири амалга оширилди. Оператив текширувлар давомида чет эл ишчи кучларини жалб этаётган 745 нафар жисмоний шахслар ва 1777 нафар чет элллик фуқаролар текширувдан ўтказилди. Якуний натижаларга кўра, 690 ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, шулардан 137 та қонунбузарлик ҳолати Россия Федерацияси ҳудудида чет эл фуқароларини келиш тартибини бузиш билан боғлиқ, 131 та ҳолат чет эл ишчи кучларини жалб этиш ва ишлатиш тартибини бузиш билан боғлиқдир. 55 та амал қилмайдиган патентлар фош этилди.

Асосий қонунбузарлик ҳолати ҳар доимгидек рўйхат ва патент масаласи бўлиб қолмоқда.

Кўрсатиб ўтилган ушбу қонунбузарлик ҳолати бўйича, жами бўлиб, 1 278 300 рубль жарима солиниб, шундан 940 950 рубли ундириб олинди. 14 нафар чет эллик фуқароларга нисбатан республикани шаҳар ва туман судлари томонидан Россия Федерациясидан маъмурий тартибда мажбурий чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Миграцион хизмати ходимларини ишлаш жараёнларидан, шунингдек чет эл фуқароларини меҳнат фаолиятига жалб этиш ва уларни патентга эга бўлган ҳолда Россияда бўлиш муддатларини қай тарзда узайтириш тартиблари батафсил тушунтириш тадбирлари ҳам амалга оширилди.

«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи

Ўрта Осиёлик шахсларга ишлаб топган маблағларини Ватанга юборишдан олдин қандай сақлаш ва кўпайтириш мумкинлигини ўргатади. Маблағлар 18 % га ошиши мумкин.

Ҳурматли муштарий!

Сиз Санкт-Петербург шаҳрига ўз оилангиз учун пул ишлаб топиш мақсадида келасиз. Бунинг учун сиз кеча-ю – кундуз машаққатли меҳнат қиласиз, баъзида адолатсизликдан аламингиз келади, айниқса, ваъда қилинган иш ҳақи тўланмаганида. Бироқ, сиз бу қийинчиликларни барчасини енгиб ўтишга тайёр бўласиз, чунки ватанда яқинларингиз молиявий ёрдамга кўз тикиб ўтиришибди. Сиз – уларнинг ягона умиди ва таянчисиз!

Баъзида ўзингизни ҳалол меҳнат билан топган иш ҳақингизни олганингизда, дарҳол уйга юборишга шошиласиз. Чунки сизда пулларингизни сақлаш учун ишончли жойни ўзи йўқда. Уларни ноинсоф одамлар ўғирлаб кетиши мумкин. Ўзингиз билан олиб юрсангиз, йўқотиб қўйиш хавфи мавжуд. Унда нима қилиш керак?

Биз бу муаммони ечимини топдик. **Айнан сиз учун «Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи фаолият юритмоқда.** Кооперативга қўшилинг, ҳоҳлаган қийматдаги пулингизни қўйиб (500 рублдан ортиқ), уйга юборишдан олдин кўпайтириб олинг. Қайси давлатни фуқароси эканлигингизни қизиғи йўқ. Энг муҳими, бу ерда сизга ёрдам бераётганларидан жуда мамнунлар.

Бизда фойдали фоизлар-18% йилига. Бу дегани, кооперативга қўйган пулингизга, уни миқдорига нисбатан ҳар ойда 1,5 % қўшилиб бораверади. Бу жуда даромадлидир. Агарда сиз Россияга, бир йил ва ундан камроқ муддатга келган бўлсангиз, унда сиз Даромад дастури доирасида уч ой ва ундан кўпроқ муддатга шартнома тузсангиз бўлади. Уч ой муддатда омонатингизга 4,5% қўшимча даромад қўшилади. Олти ойда – 9%, тўққиз ойда-13,5% қўйган омонатингиз устига қўшилаверади. Муддат қанча кўп бўлса-даромад ҳам шунча кўп бўлади.

«Шаҳар жамғарма маркази» кооперативи аъзосига айланинг. Биз эса, пулларингизни Ватанга юборишдан аввал, кўпайтиришга ёрдам берамиз: сизнинг ҳар 100 рубл пулингизга ойига 1,5 рубл қўшиб борамиз. Кўпроқ пул тўпланганидан сўнг, ҳоҳлаган қийматдаги пулни ечиб олиб, ватанга қадрдонларингизга юборишингиз мумкин. Агарда бу пул камлик қиладиган бўлса, кооператив сизга қарз ҳам бериши мумкин. Ҳа айтганча, агарда сиз шаҳарда бўлмасангиз ёки жуда банд бўлсангиз, қариндошингиз сизнинг ўрнингизга келиши мумкин. Фақат унга ишончнома ёзиб беришни эсдан чиқарманг!

Демак, энг муҳим савол: Ишлаб топган маблағни «Шаҳар жамғарма маркази» КИК да қандай сақлаш мумкин?

Барчаси оддий. Ташкилотимиз офисига ўз паспортингиз билан ташриф буюринг, кооператив аъзолигига қўшилинг ва 500 рублдан ортиқ ҳоҳлаган қийматдаги пулни қўйинг ва кўпайтириб олинг. Уйга кетишдан олдин барчасини ечиб олишингиз мумкин ёки жўнатиб юборишингиз.

Фоиз тўловлари-18% йилига!

Маълумот учун телефон: (812) 309-56-63
Ёхуд қуйидаги манзилга келинг: Санкт-Петербург ш., Василеостровский 10-линия, 15-б уй. «Василеостровская» метро бекати.
Иш вақти: соат 9:00 дан 18:00 гача (душанба-жума).
«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи.
Биз сизларни кутиб қоламиз, азиз муштарийлар!

ГОРОДСКОЙ ЦЕНТР СБЕРЕЖЕНИЙ

Танлов

«Ижод куртаклари» танлови

Азиз муштарийлар, газетамиз таҳририяти томонидан эълон қилинган ва бир неча ойдан буён давом этиб келаётган «Ижод куртаклари» танлови бўйича таҳририятимизга ўнлаб мактублар келиб тушмоқда. Танловда иштирок этиш ниятида ўз қаламига мансуб асарларни йўллаётган иштирокчиларга таҳририятимиз номида катта миннатдорчилик изҳор этамиз.

Марҳамат қилиб танловнинг навбатдаги ёш иштирокчиси билан танишинг.

Маълумотнома: Мансуров Жўрабек, 1991 йил 25 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Сурхон воҳасида, санъаткорлар оиласида таваллуд топган. Жўрабекка санъатга бўлган қизиқиш ва истеъдод ота-боболаридан мерос бўлиб ўтган бўлса ажаб эмас. Чунки, бу ёш шоиримизнинг момолари сўлим Сурхон воҳасида жойлашган Узун туманида истиқомат қилиб, миллий лопар ва қўшиқлар ижро этишиб, халқ орасида катта обрў-эътибор қозонганлар. Шу жумладан, Жўрабекнинг шеърларида ҳам ватанпарварлик, миллийлик руҳи сезилиб туради. Эндигина ижод ва шеърият оламига қадам қўйган ушбу шоир йигитмизни ижодига омадлар тилаб, унинг бир неча шеърларини эътиборингизга тақдим этамиз.

«Ўзбекистоним»

Ўзбекистон халқининг юзидан таралар зиё,
Боғидаги мевалари асалдир гўё.
Тупроғингда унган ҳар майсанг гиёх,
Жаннатмакон ўлкам Ўзбекистоним.

Обидаларингни бордур ўзигача сеҳри,
Хатто ожиз эрур олдида Деҳли.
Сенга тушди доим Яратганнинг меҳри,
Жаннатмакон ўлкам Ўзбекистоним.

Сўзлаган халқингни тилларида бол,
Юзидан аримас табассум, иқбол.
Бизга ҳадя этди буни – истиқлол,
Жаннатмакон ўлкам Ўзбекистоним.

Дўстлик

Бугун дўстларимдан миннатдор бўлиб,
Улар учун олдим қўлимга қалам,
Бу шеър дўстлар учун яқинларимга,
Ташаккур айтаман дўстларим сизга.

Оғир дамларимда елкадошимсиз,
Шодон кунларимда ҳам ҳамрохимсиз,
Тўю – маракада хизматда ҳар дам,
Рахмат сизга менинг азиз дўстларим.

Сизлардан қарзимни уза олмайман,
Менга бўлган меҳр оқибатингиз,
Буюкдур сизларга ҳурматим доим,
Хизмат бўлса мен ҳам тайёрман дўстларим.

Менинг дўстларимни асра ё роббим,
Бахтимга соғ омон юришсин доим,
Бел боғлаб хизматда бўлайлик доим,
Меҳр оқибатли эй чин дўстларим.

Кўзларингиздан ҳеч ҳам ёш тўкилмасин,
Ғурур, бардошларингиз ҳеч букилмасин,
Дўстлар сафимиздан ҳеч камаймасин
Узоқ умр кўринг азиз дўстларим.

АЁЛ

Сиз учун яшайди жонини бериб,
Аёлнинг қадрига етинг эркаклар,
Яхши гапирсангиз кетади эриб,
Аёлнинг қадрига етинг эркаклар.

Ҳаётда кўмакдош суянчиқ сирдош,
Ҳаё бор ибо бор, сабр ва бардош,
Ҳам хизмат килади, ҳамда эгар бош,
Аёлнинг қадрига етинг эркаклар.

Аёлсиз хонадон хароб бўлади,
Орзулар умидлар сароб бўлади,
Аёл бор фарзандга бағринг тўлади,
Аёлнинг қадрига етинг эркаклар.

Сиз учун яшайди ўзини безаб,
Ҳурмат билан эъзозланг, қилмангиз ғазаб,
Аёлсиз яшамоқ қийиндур азоб,
Аёлларимиз қадрига етинг эркаклар!

НСТ «Ўрта Осиёлик меҳнат мухожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди»га юристлар, таржимонлар (ўзбек, тожик, қирғиз тилидан) журналистлар ва кўнгилли (волонтёр)лар ишга таклиф этилади. Қабул танлов асосида амалга оширилади. Рус тилини билиш талаб этилади. Шунингдек, ўзбек, тожик, қирғиз тилларини билиш, ҳамда меҳнат мухожирлиги соҳасида иш тажрибасига эга бўлиши маъқулланади. МДҲ давлатлари фуқаролари ҳам қабул қилинади. Маълумот учун телефон: 8 (812) 309-73-06

Ўрта Осиёлик меҳнат мухожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди

Санкт-Петербургда катта қийинчиликларга дуч келдингизми?

Фондда Ўрта Осиёлик малакали ҳуқуқшунослар фаолият юритмоқда.
Рус тилида сўзлашмасангиз ҳам сизларни тушунамиз!

Таширф буюринг! Биз сизларга қуйидаги масалаларни ечишда бепул ёрдам кўрсатамиз:

- Россияда қонуний яшаш учун барча ҳужжатларни расмийлаштиришда маслаҳатий кўмак
- қонуний ишга жойлашишда
- ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда, шу жумладан:
  - меҳнат ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса
  - ҳуқуқ тартибот идораларида сизни ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда.
- иш берувчи маош бермаса
- ҳужжатларни йўқотсангиз ёки олдириб қўйсангиз
- моддий ва маънавий қийин аҳволга тушиб қолган бўлсангиз
- Қарз маблағи олишга кўмаклашиш
- муносиб турар-жой топиш
- тиббий ёрдам олиш

Шунингдек, сизларнинг хизматингизга:

- ўзбек ва тожик муаллимлари иштирокидаги рус тили машғулотлари
- маданий хордиқ ва хайрия тадбирлари
- илмий семинарлар ва анжуманлар



Биз сизларни манфаатингизни кўзлаб, қонунга мувофиқ фаолият юритамиз!

Қуйидаги манзил бўйича кутамиз: "Пролетарская" метро бекати, Обуховская оборона пр-ти, 116-уй, 26-чи офис (арка орқали кирилади, "Кард Экспресс" ёзувини мўлжал қилинг)

Телефон: **(812) 309 73 06** Иш вақти: 10.00-18.00 (ДШ-ЖМ)

Миллатлар мусиқаси ва сараси

Ҳурматли муштарийлар, Санкт-Петербург шаҳрида шу йили қиш ойида бўлиб ўтадиган танлов ва фестивал билан таништириб ўтмоқчимиз.

«Миллатлар сараси»

Жорий йилнинг 7 декабрь куни Санкт-Петербург шаҳридаги Новоизмайловский шоҳ кўчаси 48 уйда жойлашган Ёшлар Уйида «Миллатлар сараси» деб номланган шаҳар миллатлараро фестивали ўтказилади.

Ушбу фестивалда дунёнинг турли мамлакат вакиллари иштирок этадилар. Иштирокчилар фестивал меҳмонлари эътиборига амалий декоратив ижод намуналарини ва бадиий ҳунармандчилик буюмларини намойиш қиладилар. Бу фестивалнинг ўзига хос томони шундан иборатки, иштирокчиларнинг тақдим этган ҳар бири ишида ўз давлатининг ўзига хос миллий хусусиятлари, ўз маданиятини бойлиги ва кўп қирралиги акс эттирилади.

Фестивал иштирокчиларидан ўз ишларида бадиий дидини, ишларни оригиналлиги, уларда миллий анъаналар ва қадриятларни моҳирона уйғунлаштириш, ва албатта миллий ўзига хос хусусиятларни акс эттириши талаб этилади. Амалий декоратив санъат кўргазмасида эса, тасвирий санъат йўналиши бўйича ишлар, мато ва газламаларга, ёки ёғоч, пластикка ишлов бериш, флорашунослик ва бошқа ижодий иш намуналари тақдим этилиши мумкин.

Иштирокчиларга қўйиладиган энг муҳим шарт – бу уларнинг ёши чегараланганлигидир, яъни иштирокчилар ёши 30 ёшдан ошмаган бўлиши шарт. Ғолибларга турли махсус совғалар ва дипломлар топширилади.

Фестивал ҳар бир миллатнинг асл моҳиятини акс эттириб, иштирокчилар ва меҳмонларга ушбу ҳар бир миллат- ажойиб ва ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини намоён қилиб беради.

«Мусиқа ксенофобияга қарши»

Шу куннинг ўзида, яъни 7 декабрда Санкт-Петербург Ёшлар уйида «Мусиқа ксенофобияга қарши» шаҳар фестивалининг катта концерт дастури бўлиб ўтади. Ушбу фестивални «Санкт-Петербург Ёшлар уйи» Давлат бюджет муассасаси Ёшлар сиёсати Кўмитасининг қўллаб-қувватлови остида ҳамда Санкт-Петербургдаги ижтимоий ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширмоқда.

«Мусиқа ксенофобияга қарши» – бу ажойиб лойиҳалардан бири бўлиб, барча миллат вакилларини бирлаштиришга ва турли маданиятлар билан таништиришга ёрдам бериб, ёшлар ўртасида толерантликни ва маданиятлараро ҳамжиҳатликни оширишга йўналтирилгандир (Ксенофобия-миллатчилик). Фестивалда 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган турли миллатга мансуб ёшлар иштирок этадилар.

Фестивал танлов шаклида ўтказилиб, қуйидаги йўналишларда ўтказилади: «Вокал» ва «Хореография» икки номинацияда: «Яккахонлик» ва «Ансамбль». Ҳайъат аъзолари таркиби мусиқа, хореография, эстрада вокали ва актёрлик санъати соҳаларининг етук мутахассисларидан иборат бўлади.

Бу фестивални ўтказишдан кўзланган бош мақсад – санъатнинг энг оммавий турларидан бири ёрдамида ёшлар ўртасида ксенофобияга (миллатчиликка) қарши курашишдан иборатдир. Бундан турли миллат вакилларини бирлаштираётган оммавий санъат тури ҳоҳлаган жанрда ва йўналишида бўлиши мумкин.

Ўтказилаётган ушбу фестивал миллатлар ва маданиятлараро муносабатларни уйғунлаштириш Дастурининг услубий мақсадига йўналтирилган, ҳаётга тадбиқ этилаётган ва амалий амалга оширилаётган шаклларидан бири бўлиб, ксенофобияни олдини олиш ва Санкт-Петербургда толерантликни мустаҳкамлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Фестивалнинг ҳомийларидан бири «Маданиятлар дунёси» ташкилоти бўлиб, бу ҳомий томонидан ғолибларга турли ажойиб совғалар ҳадя этилади. Бундай совғалардан бири – Испанияга саёҳат учун йўлланма ва «Каталон баҳори -2013» Фестивали доирасида мамлакатни турли саҳналарида чиқиш уюштириш учун йўлланма ҳисобланади.

«Мусиқа ксенофобияга қарши» Фестивалининг финал босқичининг катта концерт дастурига чипталар шаҳар олийгоҳларида ва «Ёшлар уйи» ДБМ да бепул тарқатилади.

Фестивалда иштирок этиш учун ва Испанияга саёҳатни қўлга киритиш учун иштирок этишга ариза бериб, саралаш босқичидан ўтиш лозим. Саралаш босқичлари 22, 23 ва 24 октябрь кунлари «Санкт-Петербург Ёшлар уйид» ўтказилади. Танловда ва саралаш босқичларида иштирок этиш учун ариза бериш тартиби ва бошқа қўшимча маълумотларни қуйидаги манзиллар орқали билиб олишингиз мумкин: http://vk.com/dommolodejy, Patriot@gbudmspb.ru , dommol.spb@mail.ru ёки тел./факс (812) 321-88-91, 321-88-78.

Европа куни-2012

Санкт-Петербургда 5-чи маротаба «Европа кунлари 2012» фестивали ўтказилди. Тадбир жуда қизқарли, дастурлар бой ва мазмунли ўтди. Ҳар бир ташриф буюрган киши ўзи учунг қизиқарли бўлган бирор нарсани топиши мумкин бўлди. Тадбирда давлатлар орасидаги чегаралар йўқолиб, одамлар бир-бири билан танишиш, бевосита мулоқот қилиш имкониятига сазовор бўлдилар. Петербург яна бир маротаба «Европага дарча» очиб берди. Бу дарча бундан 300 йил муқаддам Петр I томонидан очилган эди.Бу сафарги «Европа кунлари» фестивали ҳам 15 мингдан зиёд одамларни тўплади.

Фестивални тантанали очилиш маросимида Россиядаги Европа Иттифоқи Ваколатхонаси бошлиғи Фернандо Валенсуэла, Кипр Республикасини Санкт-Петербургдаги бош Консули Георгиос Самуил ва Санкт-Петербург шаҳри маъмурияти вакиллари иштирок этдилар. Саломлашув нутқларидан сўнг, «Кипр замонавий мусиқаси» номли катта гала концерт уюштирилди. Георгиос Кунтурус бошчилиги остидаги «Санкт-Петербург Камерата» Эрмитаж театрининг оркестри ва «Lege Artis» хори иштирокчилари ижросида Кипрнинг замонавий бастакорлари мусиқалари янгради, шу жумладан: Андреас Мустукис, Алкиноос Иоаннидис, Андреас Камерис ва Саввас Савви – Санкт-Петербург ва Москва консерваторияси битирувчилари иштирок этдилар.

Бу куни – Халқаро автомобилсиз куни нишонланди. Бу кун яна бир инглизча услубидаги велоюриш амалга оширилди. Бу велоюришда иштирок этган шахслар эскича инглизча услубда кийиниб олишиб, ретро-велосипедларда Петербург кўчалари бўйлаб саёҳат уюштирдилар. Иштирокчилардан бири шундай дейди: «Менга 20-чи йилларнинг эстетикаси ва ўша вақтдаги кайфият жуда ёқади. Велосипед-бу уч юз йилликни боғлаб турган ягона ёқимли занжир бўлса керак. Тадбирда иштирок этган одамлар ҳам очиқ кўнгил ва хушкайфиятда бўлдилар».

«Европа кунлари» доирасида амалга оширилган дастлабки тадбирида – «Фуқаро бўлиш» очиқ баҳсида тахминан 150 киши иштирок этди. Тадбир амалга оширилган залда жуда қизғин мунозаралар бўлиб ўтди. Меҳмонлар ва спикерлар, Европанинг таниқли сиёсатчилари Ян Чарногурский ва Ежи Бузек, шунингдек россиялик экспертлар-омбудсмен Александр Шишлов ва шаҳар ҳимоячиси Юлия Минутина ва бошқа таниқли шахслар, нима сабабдан ватаннинг ҳақиқий муносиб фуқароси бўлиши ва нима учун бундай позицияни танлаш лозимлигини қизғин муҳокама этдилар.

Анъанавий Европа ярмаркаси- бу фестивални юраги ҳисобланади. Ҳар бир иштирокчи Санкт-Петербургни тарк этмаган ҳолда, Стокгольм, Париж, Мадрид, Берлин ва бошқа Европа шаҳарларига ташриф буюргандек ҳис этдилар ўзларини. Европа ярмаркасида бутун кун мобайнида Европа мамлакатлари вакиллари фаолият юритиб, улар иштирокчилар учун тил бўйича машғулотлар, мастер-класслар, маъруза ва тақдимот маросимлар ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб тадбирлар амалга оширдилар. Ташкилотчилар ва иштирокчилар бундан ташқари, турли-туман қизиқарли танловлар уюштирдилар, ҳамда ғолибларга эсдалик совғалари топширилди. Шундай танловлардан бирида бир иштирокчи қиз Болгария бориб дам олиш йўлланмасини қўлга киритишга муяссар бўлди.

Бундан ташқари, ярмаркада кичкинтой иштирокчилар учун ҳам Болалар студияси ташкиллаштирилиб, у ерда болажонлар турли кўнгилочар тадбирларда иштирок этдилар, Европа давлатлари тўғрисида қизиқарли маълумотлар билан танишдилар. Тадбирда иштирок этаётган Консуллик бўлимлари орқали саёҳат қилишдан чарчаган болалар ва уларнинг ота-оналари, Буюк Британия бош консуллиги томонидан ташкиллаштирилган ушбу болалар студиясида маданий хордиқ чиқаришга муваффақ бўлдилар. Болалар студияси болакайлар учун турли қизиқарли танловлар, мусобақалар уюштирилди.

Аничков саройи қаршисида Café Europa гастрономик ҳиёбони уюштирилди, у ерда тадбир меҳмонларига фестивал юзасидан арзонлаштирилган, турли – туман мазали европа тансиқ таомлари таклиф этилди. Саккиз соат мобайнида петербургликлар жонажон шаҳрини тарк этмаган ҳолда, қайсидир маънода Европага бориб келишга муваффақ бўлдилар.

Ксения Сомова